130495

Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 12 апрель, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
15 (6661)

Ўзбекистон — Индонезия

ҲАМКОРЛИКНИНГ УФҚИ КЕНГ

Шу йилнинг 8-10 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Олий мартабали меҳмонни ўзбек заминида мамлакатимиз раҳбарлари қизғин қутлаб қутиб олдилар ва унинг ташрифига муваффақиятлар тиладилар.

Ташрифнинг биринчи куниёқ Ўзбекистон пойтахти ташқарисидаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Индонезия Президенти Сухарто ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Индонезиялик мўътабар меҳмоннинг ташрифи дастури Тошкентдаги Алишер Навоий боғида буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан давом этди. Президент Сухарто буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан эсга олди. Сўнг Индонезия давлат раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройига келди. Бу ерда икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистоннинг Индонезия билан алоқаларини янада ривожлантириши, хусусан, тўқимачилик саноати, ўсимлик мойи, чой қадоқлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли экани, бу борада қўшма корхоналар ташкил этиш ўзаро манфаатли бўлиши таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг билдирган ана шу таклифларини олий мартабали меҳмон маъқуллади ва бу соҳада имзоланган ва имзоланажак ҳужжатларни амалга татбиқ этилиши ғоят муҳим эканини қайд қилиб ўтди.

— Индонезия Ўзбекистонда пахтадан ип йигирадиган қўшма корхоналар қуришдан, айниқса, манфаатдордир, — деди жаноб Сухарто. — Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг ривожини таъмин этувчи консорциумлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Расмий музокаралар ниҳоясида ҳар икки мамлакат Президентлари Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённомани имзоладилар.

Ҳар икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги мемориандумга ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги ҳукуматлараро битимга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Индонезия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Али Алатас имзо чекдилар.

Музокаралар якунлари бўйича ҳар икки мамлакат Президентларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар журналистларнинг саволларига жавоб бериб, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда ғоят муҳимлигини таъкидладилар. «Мен Ўзбекистоннинг истиқболига ҳамда дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман,» - деди жаноб Сухарто.

9 апрель куни олий мартабали меҳмон замин сайқали ҳисобланган Самарқанд шаҳрида сафарда бўлди. У Шарқнинг буюк алломаларидан бири, улуғ муҳаддис имом Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Муборак қадамжода Индонезияда нашр этилган 300 дона Қуръонни топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Индонезия давлат раҳбари Амир Темур мақбарасини ҳам зиёрат қилди. У афсонавий Регистон майдонини, Шоҳизинда ёдгорлигини, буюк мунажжим мирзо Улуғбек расадхонасини бориб кўрди.

Самарқанд сафарида Индонезия Президентига Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ҳамроҳлик қилдилар.

10 апрель куни Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ва унинг ҳамроҳлари бирлашмадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш борасида фикрлашиб олдилар.

Шу куни Индонезия Республикаси Президенти Сухарто ва унинг рафиқасини расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан, Ўзбекистоннинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Кузатувчилар орасида Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдужалил ҳам бор эди.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун амалда

МИЛЛАТ ШАРАФИ

Одам Ато ва Момо Ҳавога Замин иноят қилинди. Башар тарихи ибтидо бўлди. Давом этди. Бу давомийлик уч айри сўқмоқ аро кетди. Аввал Макон, сўнг Лисон, кейин эса Ирфон. Тарих давом этди. Ва уч сўқмоқ бир нуқтада бирлашди. Бу нуқта — Миллат. Миллат инсоният тарихини янги тараққиёт босқичига кўтарди. Ватан, Тил, Маориф —бу тараққиётнинг асосий мезонлари бўлиб қолди. То ҳануз шундай. Тил Миллатнинг энг катта сарнуқталаридан бири.

ЖИЗЗАХ, 7-8 апрель

1989 йил 21 октябрида Ўзбекистон ҳукумати томонидан «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши она тилимизнинг мавқеини тиклаб, унинг амал қилиш доирасини яна кенгайтирди. Айниқса, халқ таълими тизимида ўқитишнинг кўлами беқиёс ошди, уни ривожлантиришга бўлган эътибор кучайди. Шу асосда, бундан беш йил муқаддам республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ташаббуси билан ҳар икки йилда «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-услубий анжуманини ўтказиб туриш таъсис этилган эди. Ўтган давр мобайнида анжуманнинг икки йиғини Самарқанд ва Қарши шаҳарларида бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб, олий ўқув юртларигача бўлган таълим тизимида ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитиш методикаси мазмунини белгилаш ҳамда такомиллаштириш муаммолари кенг муҳокама қилиниб, таълим тизимига доир фойдали хулосалар чиқарилди.

Мазкур анжуманнинг учинчи йиғилиши Жиззах шаҳрида, 7-8 апрель кунлари бўлиб ўтди. У «Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари» масаласига бағишланди.

Жиззах вилояти ҳокими Алишер Тошкенбоев анжуман қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади.

— Вилоятда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишда талай ишлар қилинмоқда, — деди ҳоким. — Бугунги анжуман бизнинг ишларимизга-да дастуриламал бўлади, дея умид қиламан. Тилга эътибор мактабга эътибордир. Негаки мактаб тафаккур устахонаси, тил устахонаси. Фарзандларимизни мустақил фикрлай оладиган, тили бурро, нутқи равон қилиб тарбиялашни ҳокимлик ҳам ғоят муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев анжуманда кириш нутқи сўзлаб, янги ижтимоий муносабатлар, Ўзбекистон истиқлоли, «Давлат тили тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар узлуксиз таълим жараёнида она тилини ўрганиш олдига тамоман янги талабларни, мақсад ва вазифаларни қўяётганлигини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йилларда она тили ўқитиш жараёнида асосий эътибор фақат грамматикага қаратилди. Саводхонлик асосий мезон қилиб олинди. Луғат бойлиги бир четда қолиб кетди. Бу эса тилнинг қашшоқлашувига, ўз жозибасини йўқотишига олиб келди. Лисоний қашшоқлик маънавий қашшоқлик остонаси. Бу йўлдан қандай чиқиш мумкин?

МУТАХАССИС ФИКРИ

Асқар ҒУЛОМОВ, педагогика фанлари доктори, профессор:

Эҳтиёж — фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучдир. Ўқувчида ўз хусусий сўз хазинасини бойитишга эҳтиёж сезилмас экан, унинг нутқий тараққиётига умид боғлаш қийин.

Она тили машғулотларида сўз эҳтиёжини юзага келтиришнинг имкониятлари жуда кўп. Уядош, маънодош, маълум бир гуруҳдаги сўзлар устида ишлаш шулар жумласидандир.

Ўқувчилар нутқини маънодош сўзлар билан бойитиш эҳтиёжини юзага келтириш мақсадида берилган сўзлар, ёрдамида маънодош сўзлар топиш, оддий бўёқли сўзларни маънодошлари билан алмаштириш (ёғоч, шажар, нахл; табриклади, қутлади, муборакбод этди; ота, падар, қиблагоҳ), берилган гапда ёки матнда ҳар бир сўзни унинг маънодоши билан алмаштириш, гап ёки матннинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш каби ижодий-амалий ишлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Сўз эҳтиёжини турли луғатлар қондириши мумкин. Шунинг учун ўқувчиларга мўлжалланган луғатлар (маънодош сўзларнинг изоҳли луғати, қарама-қарши маъноли сўзларнинг изоҳли луғати, уядош сўзлар луғати ва ҳ. к.) яратиш республика ўқитувчилари, филолог ва тадрижчи олимлари олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

ЖИЗЗАХ, 7-8 апрель

Ушбу анжуманни ўтказиш ташкилий қўмитасига нафақат республикамиздан, балки қўшни жумҳуриятлардан ҳам қатнашиш истагини билдирувчи талабномалар, маъруза тезислари келиб тушди, уларнинг умумий сони 220 дан ошди. Бу эса ўтган икки анжуманга нисбатан қарийб 1,5 баробар кўпдир. Бу рақамлар халқ таълими тизимида она тили ўқитилишини янада яхшилашга бўлган қизиқиш, саъй-ҳаракатнинг ошганлигидан далолат беради.

Маъруза мавзуларининг қамрови кенг бўлиб, анжуман қатнашчилари 10 та шўъбага бўлинган ҳолда маърузаларни тинглашди. Мазкур шўъбаларда асосан мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич ва ўрта мактаб, олий ва ўрта таълим тизимининг барча тармоқлари, шу жумладан ўзбек бўлмаган ҳамда нофилологик гуруҳларда ўзбек тилини ўқитиш, унинг самарадорлигини ошириш, ҳунар-техника билми юртларида ўқувчи ва талабалар сўз бойлигини ўстириш, эски ўзбек ёзувини ўқитишни яхшилаш каби муаммолар ўртага ташланди, муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди.

МУТАХАССИС ФИКРИ

Низомиддин МАҲМУДОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад, таълим тизимида она тили ўқитишнинг мазмунини янгилаш, қўламини кенгайтириш ва давлат тили ҳақидаги Қонун кўрсатмаларини ҳаётга жадал жорий этишнинг бориши масалаларини муҳокама қилиш ва тегишли услубий хулосалар чиқаришдан иборат эди. Чунки, ҳали бизда она тили ўқитишнинг йўналиш мезони ишлаб чиқилмаган. Халқ таълими тизимида бу йўналиш асосан сўз бойлигини оширишдан, ўқувчилар қалбига ўзбек тили тароватини сингдиришдан иборат бўлиши керак. Ва анжуман ушбу масалаларнинг асосий нуқталарини ҳал этди деб ўйлайман.

Жиззахдаги ушбу анжуман ташкилий жиҳатидан ҳам, илмий кўлами жиҳатидан ҳам ўзига хос бўлди.

ЖИЗЗАХ, 7-8 апрель

Бу икки жумла анжуман иштирокчилари хотирасидан ўчмаса керак. Чунки, ҳозирги қийин иқтисодий шароитда шундай катта йиғинни кам-кўстсиз ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шарипов, бошқарма вакиллари Бухорбой Акрамов, Асадулло Маматов, Бахтиёр Ризо, Эгамназар Пирматов, шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирлари ...Уларнинг эътиборини иштирокчилар ҳар дақиқада ҳис қилиб туришди.

Анжуманнинг ёпилиши маросими тарихий гўша — Амир Темур қадами етган Сангзор мавзесида бўлиб ўтди. Ва бунда ажиб рамзийлик сезасиз. Тилимизнинг кўнгила эврилишида Ҳазрат Соҳибқироннинг руҳи поклари ҳидоят қилиб тургандай.

Саъдулла ҲАКИМ,
Асқар ШОКИР,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида

ЯХШИ ТАДБИРГА ЯШИЛ ЙЎЛ!

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мажлислар залида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни ўқув юртларида амалга ошириш юзасидан Тадбирлар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йиғилишда олий ўқув юртлари ректор ўринбосарлари, ўрта махсус ўқув юртларининг директорлари, ижтимоий фанлар кафедраларининг мудирлари, профессор-ўқитувчилар, раҳбарлик идоралари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаси мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг истиқбол йўналишларини кўрсатиб берувчи дастуриламал ҳужжат эканлигини алоҳида таъкидладилар. Маърузада илгари сурилган устивор йўналишдаги вазифалар бевосита олий ва ўрта махсус таълим тизимига ҳам даҳлдордир. Зотан, бу тармоқ жаҳон андозалари даражасидаги ўз ихтисосини пухта ўзлаштирган, чуқур билимли, ташаббускор, юксак ахлоқ ва маданиятли, ватанпарвар кадрларни мамлакатга тайёрлаб бериши зарур. Вазирлик ишлаб чиққан Тадбирлар лойиҳасида ана шу мақсадлар кўзда тутилади. Унда олий ўқув юртларида ўтказиладиган «Маърифат ўқувлари», «Олий таълим ва бозор иқтисоди»га бағишланган конференция ва илмий анжуманлар, «Истиқлол ва тараққиёт» ўқув курслари, талабалар илмий ишлари танловлари каби кўплаб тадбирлар режалаштирилган.

— Ишлаб чиқилган Тадбирлар кўп масалаларни қамраб олганлиги, маънавият ва тарбияга йўналганлиги билан асосий мақсадни тўла кўзда тутади, — деди йиғилишда сўзга чиққан академик Эркин Юсупов. — Биз яшаётган XX аср якунланаяпти. Бу аср тарихда улкан кашфиётлар аср бўлди. Бироқ бу даврда инсон маънавияти хусусида кам иш қилинди. XXI аср инсониятнинг покланиш асри, маънавият юксалиши ва комил инсонларнинг камол топиши асри бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Шу боисдан мамлакатимиз ўқув юртларида ҳам тарбия устивор йўналишда бўлиши зарур.

Нотиқлар таълимда назарий масалаларни кучайтириш, лекциялар сифатини ошириш, янги дастур ва дарсликлар ишлаб чиқиш, таълимни илмий асосланган ҳолда жорий этиш, талабалар билимининг жаҳон андозалари даражасига эришиш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири О. У. Салимов якунлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мухбиримиз.

ОЛМОНИЯЛИКЛАР ТУҲФАСИ

7 апрель куни республика таълим илмий-методика марказида немис ўқув зали очилди. Маросимни Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна қатнашиб йиғилганларни бу хурсандчилик билан қутлади.

Маълумки, Ўзбекистон билан Германия ўртасида азалдан қўшничилик алоқалари мавжуд. Ҳатто, кўҳна Афросиёб топилмаларининг гувоҳлик беришича, икки халқ орасидаги бордикелдилар эрамизнинг XIII-IX асрларига бориб тақалади. Аммо кейинчалик бундай алоқалар узилиб қолган. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, икки халқнинг бир-бирлари билан дўстлашиши учун яна имконият яратилди. Шу нуқтаи назардан республикамиз пойтахтида немис ўқув залининг очилиши ҳам хайрли ишлардан бўлди. Гёте университетидан ўқув зали учун келтирилган асарлар жаҳон миқёсида энг нодир ҳисобланган сара китоблардан иборат. Уларнинг сони 5 мингдан ортиқ. Бу эса республикамизда олмон тилини мукаммал ўрганиш ниятида бўлган ўқувчилар учун муносиб совға бўлди.

Немис ўқув залининг очилишига бағишланган анжуманда Германия элчихонаси масъул ходимлари, меҳмонлар, пойтахт олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Ҳ. Маъсудов ва бошқалар иштирок этдилар.

Наргиза ТЎЛАГАНОВА.

«Маърифат» боғи қўради

ЖЎХОРИЗОРГА АЙЛАНГАН ЎЙИНГОҲ

Ҳар гал қишлоққа борганимда беғубор болалигимнинг ўн йили ўтган муқаддас даргоҳ — Чироқчи туманидаги Ҳасан Тўраев номидаги 15-ўрта мактаб ёнидан ўтаман. Вақтим бўлганда бир зумга бўлса-да унинг бағрига кириб чиқишга ҳаракат қиламан. Мана икки йилдирки, мактаб атрофи, спорт майдонлари қаровсиз аҳволдалигини кўриб юрагим ачишади.

Бундан 10—12 йил муқаддам туман, вилоят миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида доимо фахрли ўринларни эгаллаб келган ўша мактаб қани? Туман миқёсида футбол, волейбол, қўл тўпи мусобақалари, Наврўз сайллари ўтказиладиган ўйингоҳлар қани? Шунга ўхшаш саволларни ўзўзимга бериб, ўйга толаман.

Тумандаги энг яхши, замон талабига жавоб бера оладиган ўйингоҳлардан бири бўлган бу майдоннинг тенг ярмига бир неча йилдирки маккажўхори ёки супурги экилади. Майдончанинг атрофларини янтоқ босиб ётибди. Мактаб ҳовлисига кираверишида яшнаб турадиган гулзорлардаги атиргуллар ва бошқа анвойи гуллар ўрнини ҳам жўхоризор «безади». Мактаб ҳовлисига диққат билан назар ташлаган одам ўзини фермер хўжалигининг участкасига кириб қолгандек ҳис қилади.

Мен ўзим таълим олган азиз даргоҳни ёмонламоқчи эмасман. Унда таълим бераётган устозларим олдида бир умр қарздорман. Аммо ўткинчи иқтисодий қийинчиликларни деб юзлаб болалар тўп сурадиган ажойиб ўйингоҳнинг ярми шудгорга айлангани собиқ ўқувчи сифатида менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Наҳотки замонавий спорт залларини орзу қилувчи бугунги ўқувчиларга мана шу бир парча ер ҳам раво кўрилмаса!

Ҳар йили халқ сайллари ўтказиб келинган ўйингоҳнинг тақдирига «Соҳибкор» жамоа ширкат хўжалиги раҳбарлари, Чироқчи туман халқ таълими бўлимидаги мутасаддилар лоқайд қараб турмасликлари керак эди. Ҳали ҳам кеч эмас. Ўйингоҳнинг файзу таровати тикланса — асл ҳолига келтирилса, фарзандларимизга қувонч бахшида этган бўлардик.

Муҳиддин БОЗОРОВ,
Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимияти ташкилий бўлимининг 1-даражали мутахассиси.

Таклиф, мулоҳаза

БЎЛСА ИМКОН...

Ўн беш йилдирки, «Маърифат» газетасининг мухлисиман. Газета мени ўз соҳамда ва тарбиявий ишларимни олиб боришимда ҳамиша маслакдош.

«Маърифат»нинг 22 февраль сонидаги «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика мактаб ўқувчиларининг телетанлови учун берган материаллардан жисмоний тарбияга оид саволларни ўқувчиларга ёздириб, жавобларини тушунтириб бердим ва улар бўйича ўқувчилар билимини тест асосида синай бошладим. Яқинда мактабимизда танлов ўтказмоқчимиз.

Газетада жисмоний тарбия ва спортга оид кўп материаллар бериб борилиши яхши. Агар имкони бўлса, энг муҳим спорт турлари тарихидан материаллар бериб борилса, айни муддао бўларди.

Б. ЭЛЧИЕВ,
Олтиариқ туманидаги 26-ўрта мактабнинг олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Газетамизнинг ички саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тарих ва география фанларидан тест савол-жавоблари чоп этилмоқда

ТАРИХ

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жавоблари

1. Биринчи Жаҳон уруши келиб чиқишининг асосий сабаби?
A) Сиёсий ишчи ташкилотларининг кучайиши.
B) Дунёни қайтадан тақсимлаш учун империалистик давлатлар ўртасида зиддиятнинг кучайиши.
C) Капиталистик мамлакатларнинг империализм босқичига чиқиши.
D) Австрия-Венгрия тахт вориси Франц Фердинанднинг ўлдирилиши.
E) Ишчилар ҳаракатининг кучайиши.

2. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинди?
A) 1992 йил, декабрь.
B) 1990 йил, сентябрь.
C) 1991 йил, ноябрь.
D) 1992 йил, июль.
E) 1991 йил, декабрь.

3. Улуғбек билан ҳамкорликда ишлаган олимлардан кимларни биласиз?
A) Рудакий, Фарғоний.
B) Балхий, Носир Хисрав, Маҳмуд Қошғарий.
C) Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Қозизода Румий.
D) Беруний, ибн Сино, Форобий.
E) Ибн Сино, Хоразмий.

4. Искандар Зулқарнайн қачон вафот этган?
A) Милоддан аввал, 304 йил.
B) Милоддан аввал, 334 йил.
C) Милоддан аввал, 351 йил.
D) Милоддан аввал, 327 йил.
E) Милоддан аввал, 323 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қачон қабул қилинди?
A) 1993 йил, декабрь.
B) 1991 йил, сентябрь.
C) 1991 йил, ноябрь.
D) 1992 йил, март.
E) 1992 йил, июль.

6. Қайси даврда Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган?
A) 1380 — 1400 й.
B) 1365 — 1405 й.
C) 1370 — 1405 й.
D) 1370 — 1404 й.
E) 1375 — 1404 й.

7. Чор Россиясининг Ўрта Осиёга дастлабки ҳарбий юриши қачон бўлган?
A) 1852 йил.
B) 1839 йил.
C) 1840 йил.
D) 1847 йил.
E) 1830 йил.

8. Сарбадорлар ҳаракати қандай ҳаракат эди?
A) Ўрта Осиёда марказлашган давлатни вужудга келтириш йўлида бошланган ҳаракат.
B) Мўғуллар зулмига қарши қаратилган озодлик ҳаракати.
C) Мўғуллар босқинига ҳамда уларнинг таянчи бўлган маҳаллий зодагонлар зулмига барҳам беришга қаратилган ҳаракат.
D) Амир Темурнинг Самарқанд тахтини эгаллашига қарши ҳаракат.
E) Камбағаллар давлатини тузиш йўлидаги ҳаракат.

9. Англия буржуа инқилоби натижасида қандай давлат вужудга келди?
A) Президентлик республика.
B) Республика.
C) Монархия.
D) Парламентли монархия.
E) Конституцион монархия.

10. Вақф нима дегани?
A) Ҳарбий унвони.
B) Ўлчов бирлиги.
C) Давлат ерлари.
D) Хусусий ерлар.
E) Диндорлар ери.

11. XX аср бошидаги машҳур Боғдод Темир йўли кимнинг манфаати учун хизмат қилар эди?
A) Австро-Венгрия.
B) Англия.
C) Франция.
D) Германия.
E) Россия.

12. 1962 йилда содир бўлган қайси инқироз дунёда ядро ҳалокати хавфини кучайтириб юборади?
A) Атом электростанциясидаги ҳалокат.
B) Кариб сиёсий инқирози.
C) АҚШдаги иқтисодий инқироз.
D) СССР даги иқтисодий инқироз.
E) Европадаги экологик инқироз.

13. XX асрда АҚШ нинг буюк иқтисодий инқироздан чиқиши қайси йирик сиёсий арбоб номи билан боғлиқ?
A) Буш.
B) Рузвельт.
C) Кеннеди.
D) Трумен.
E) Рейган.

14. СССР нинг иттифоқдош республикаларида давлат мустақиллиги учун ҳаракатлар қайси даврда кучайди?
A) 1970 — 80 йиллар.
B) 1980 — 90 йиллар.
C) 1945 — 50 йиллар.
D) 1950 — 60 йиллар.
E) 1960 — 70 йиллар.

15. Қадимги Суғдиёна ҳудуди бу...
A) Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий.
B) Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари.
C) Бухоро воҳаси ва Қизилқум.
D) Самарқанд ва Жиззах.
E) Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари.

16. Мюнхен келишуви иштирокчиси бўлган мамлакатлар қайсилар?
A) Германия, СССР, Чехословакия, Франция.
B) Германия, Англия, Франция, Италия.
C) Германия, АҚШ, Италия, Япония.
D) Германия, Италия, Испания, Англия.
E) Германия, Италия, Япония, Испания.

17. Энг қадимги давлатларнинг шаклланишида асосий иқтисодий сабаблар қайсилар?
A) Ўтроқ хўжалик ва чорвачилик.
B) Теримчилик ва овчилик.
C) Балиқчилик ва ҳунармандчилик.
D) Озиқ-овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотларини айирбошлаш.
E) Унумдор хўжалик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши.

18. «Мартаба ҳақидаги табель (рўйхат)» (Пётр I даврида) — бу қайси муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат:
A) маданият масалаларини;
B) иқтисодий муносабатларни;
C) ташқи сиёсатни;
D) деҳқонлар устидан бошқарувни;
E) ҳарбий ва граждан Давлат хизматида мавжуд бўлган лавозимлар тизимини ва у бўйлаб амалга ошадиган ҳаракатларни.

19. Ўзбекистонда бозор иқтисодига қайси йўл билан ўтилаяпти?
A) Туркия модели асосида.
B) Эволюцион йўл билан.
C) Инқилобий йўл билан.
D) «Шок терапияси» йўли билан.
E) Тазйиқ йўли билан.

20. 1480 йил — бу...
A) Мўғул-татарлар Русга бостириб кирган йил.
B) Куликово жанги бўлиб ўтган йил.
C) Тўхтамиш хони томонидан Москвага ўт қўйилган йил.
D) Русда татар-мўғул зулми тугатилган йил.
E) Иван Калита буюк князликка ёрлиқ олган йил.

21. XIX аср 60-70 йилларида Россияда амалга оширилган реформаларда қайси масала кўтарилмаган эди?
A) Марказлашган давлат бошқаруви соҳасидаги реформалар.
B) Крепостнойчиликни бекор қилиш.
C) Маҳаллий бошқарув тизимига оид реформалар.
D) Ҳарбий реформалар.
E) Суд тизимидаги реформалар.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг акциялари кимларга тарқатилади?
A) Хорижлик ишбилармонлар имтиёзга эга бўлади.
B) Барча хоҳловчиларга тенг шартлар асосида.
C) Давлат имтиёзга эга бўлади.
D) Меҳнат жамоалари имтиёзга эга бўлади.
E) Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси имтиёзга эга бўлади.

23. Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий одамнинг энг қадимги манзилгоҳи?
A) Омонқўтон.
B) Селенгур.
C) Тешиктош.
D) Кўлбулоқ.
E) Обираҳмат.

24. Иккинчи Жаҳон уруши келиб чиқишининг асосий сабаби?
A) Капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши.
B) Жаҳонга ҳукумрон бўлиш.
C) Капиталистик давлатларнинг империализм босқичига чиқиши.
D) Мамлакатларда ишчилар ҳаракатининг кучайиши.
E) Сиёсий ишчи ташкилотларининг кучайиши.

25.Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қачон қабул қилинди?
A) 1992 йил, 8 декабрь.
B) 1990 йил, 30 август.
C) 1991 йил, 18 ноябрь.
D) 1991 йил, 2 март.
E) 1992 йил, 2 март.

26. XV асрнинг биринчи ярмида Хуросон ҳокими ким бўлган?
A) Темур.
B) Жаҳонгир.
C) Шоҳруҳ.
D) Бобур.
E) Улуғбек.

27. Искандар Зулқарнайн ўлимидан кейин Ўрта Осиё қандай давлат таркибида бўлган?
A) Парфия давлати.
B) Юнон — Бактрия давлати.
C) Птоломейлар давлати.
D) Аршакийлар давлати.
E) Салавкийлар давлати.

28. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси қачон қабул қилинди?
A) 1992 йил, 12 март.
B) 1991 йил, 10 сентябрь.
C) 1992 йил, 10 декабрь.
D) 1992 йил, 20 ноябрь.
E) 1992 йил, 2 июль.

29. Улуғбек қайси даврда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган?
A) 1409 — 1550 й.
B) 1405 — 1440 й.
C) 1408 — 1445 й.
D) 1409 — 1449 й.
E) 1406 — 1448 й.

30. 1916 йилда Туркистонда қандай ҳаракат бўлган?
A) Мардикорликка олишга қарши халқ қўзғолони.
B) Босмачилик ҳаракати.
C) Хон истибдодига қарши кураш.
D) Инқилобий ҳаракат.
E) Фуқаролар уруши.

31. Заҳириддин Бобур қайси ҳукмдорлар сулоласига мансуб эди?
A) Мўғуллар.
B) Манғитлар.
C) Шайбонийлар.
D) Аштархонийлар.
E) Темурийлар.

32. Америка Қўшма Штатларининг биринчи президенти ким?
A) Вильсон.
B) Франклин.
C) Вашингтон.
D) Жефферсон.
E) Рузвельт.

33. Суюрғол нима?
A) Диний унвон.
B) Солиқ тури.
C) Ер инъом қилиш.
D) Феодал унвон.
E) Давлат лавозими.

34. Францияда 1799 йил 9 ноябрда давлат тўнтаришидан кейин ҳокимиятга ким келди?
A) Дидро.
B) Робеспьер.
C) Людовик XVI.
D) Бонапарт.
E) Сен-Жюст.

35. 1961 йилнинг 12 апрелида қандай тарихий воқеа содир бўлган?
A) Биринчи қонсиз операция ўтказилди.
B) Инсон коинотга биринчи марта парвоз этди.
C) Биринчи атом электростанцияси қурилди.
D) Биринчи электрон-ҳисоблаш машинаси бунёд этилди.
E) Рангли ойнаи жаҳон пайдо бўлди.

36. XX асрда Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиши қайси сиёсий арбоб номи билан боғлиқ?
A) Сингх.
B) Неру.
C) Шастри.
D) Индира Ганди.
E) Раджив Ганди.

37. СССР нинг иттифоқдош республикаларида 1980 — 90 йилларда қайси хусусият кучайди?
A) Миллий пул муомаласини киритишга интилиш.
B) Давлат мустақиллигига интилиш.
C) СССР ни сақлаб қолишга интилиш.
D) Иқтисодий мустақилликка интилиш.
E) Ташқи сиёсат муаммоларини мустақил ҳал қилишга интилиш.

38. Қадимги Бақтрия ҳудуди — бу...
A) Сурхон ва Зарафшон воҳалари.
B) Бухоро ва Сурхон воҳалари.
C) Қашқадарё ва Самарқанд воҳалари.
D) Шимолий Афғонистон, Тожикистон жануби ва Сурхон воҳаси.
E) Шимолий Афғонистон ва Тожикистон жануби.

39. Мюнхен келишуви қайси мамлакатга нисбатан амалга оширилган эди?
A) Австрия.
B) Польша.
C) Чехословакия.
D) Руминия.
E) Финляндия.

40. Ўрта Осиёдаги энг қадимги шаҳарлар Миср ва Месопотамияга нисбатан нима сабабдан кечроқ пайдо бўлган?
A) Ибтидоий хўжалик юритиш усуллари сақланиб қолгани сабабли.
B) Ноқулай табиий шароит мавжудлиги.
C) Қурилиш ва меъморчиликнинг секин ривожланиши.
D) Йирик дарё ва унумдор ерларнинг йўқлиги.
E) Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари етарли даражада ривожланмаганлиги.

41. Пётр I реформа ўтказиш вақтида қуйидаги масалага эътибор бермади:
A) крепостнойлик ҳуқуқи;
B) иқтисодий;
C) ҳарбий;
D) давлатни бошқариш;
E) маданий.

42. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи қайси республикада биринчи бўлиб Президентлик жорий этилди?
A) Украина.
B) Россия.
C) Ўзбекистон.
D) Қозоғистон.
E) Грузия.

43. 1380 йил — бу...
A) Иван Калита буюк князликка ёрлиқ олган йил.
B) Куликово жанги бўлиб ўтган йил.
C) Тўхтамиш хони томонидан Москвага ўт қўйилган йил.
D) Русда татар-мўғул мустамлакачилигининг тугатилиш йили.
E) Татар-мўғулларнинг Русга босиб кирган йили.

44. Россияда крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш (1861 й.) реформаси натижасида:
A) капитализм саноат ва қишлоқ хўжалигида тез суръатлар билан ривожлана бошлади;
B) қишлоқ хўжалиги капиталистик ривожланиш йўлидан борма-ди;
C) қишлоқ пруссча йўлидан бориб ривожлана бошлади;
D) қишлоқ хўжалиги капитализмнинг америкача йўлидан бориб ривожлана бошлади;
E) Россияда қишлоқ хўжалигининг ўз ривожланиш йўли бор эди.

45. Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий реформанинг иккинчи босқичи нимадан иборат ва унинг саноат ва қурилишдаги кўриниши:
A) саноат ва қурилиш корхоналари шахсий мулк сифатида берилиб, давлат назорати остида қолади.
B) саноат ва қурилиш корхоналари давлат тасарруфида қолади;
C) саноат ва қурилиш корхоналари шахсий мулк сифатида берилади;
D) саноат ва қурилиш корхоналари ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айланади;
E) саноат ва қурилиш корхоналари очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айланади.

46. Ўзбекистон ҳудудидаги қоя тош суратлари чизилган энг машҳур манзилгоҳлар қайсилар?
A) Насаф ва Кеш.
B) Селенгур ва Тешиктош.
C) Сополлитепа ва Жарқўтон.
D) Далварзин ва Холчаён.
E) Зараутсой ва Соймолитош.

47. Деҳқончилик Ўрта Осиёда қайси даврда пайдо бўлган?
A) Мезолит.
B) Неолит.
C) Энеолит.
D) Бронза даври.
E) Палеолит.

48. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистоннинг Совет Армиясини ҳарбий жиҳатдан таъминлашда асосий ўлкалардан бири бўлганлигини қуйидаги фактлардан қайси бири исботлайди?
A) Асосий бомбардимончи самолётларнинг 40 фоизи Тошкентда ишлаб чиқарилганлиги.
B) Ўзбекистонда 300 завод ва фабрика Қизил Армия учун қурол-яроқ ва ўқ дори ишлаб чиқарилганлиги.
C) Чкалов авиация заводида барча қирувчи самолётларнинг 60 фоизи ишлаб чиқарилганлиги.
D) «Катюша» деб ном олган даҳшатли қуролнинг Ўзбекистонда тайёрланганлиги.
E) Ўша даврнинг энг мукаммал танклари ишлаб чиқарилганлиги.

49. Париж Коммунаси нима?
A) Социалистик инқилоб.
B) Маҳаллий ҳокимият органи номи.
C) Буржуа диктатураси.
D) Сиёсий партия.
E) Ишчилар синфи давлати.

50. 1938 йилда имзоланган Мюнхен Шартномаси инсоният тарихида қандай роль ўйнаган?
A) Жаҳон уруши бошланишини 10 йил орқага сурган.
B) Германиянинг агрессив ҳаракатларига йўл очиб берган.
C) Ҳарбий сиёсий вазиятни юмшатган.
D) Жаҳон инқилоби учун шароит вужудга келтирган.
E) Европанинг коллектив хавфсизлигини таъминлаган.

51. Ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш қандай содир бўлган?
A) Қабилалараро урушлар натижасида.
B) Айрим кишиларнинг бойиб кетиши натижасида.
C) Ортиқча маҳсулотнинг вужудга келиши натижасида.
D) Ҳарбий бошлиқларнинг ўз қабиладошларини қулларга айлантириши натижасида.
E) Одамлар тенг асосда меҳнат қилишни истамай қўйганликлари натижасида.

52. Мовароуннаҳрда Шайбонийхон қўшинларига қарши жанг қилган охирги Темурийлар ҳукмдори ким эди?
A) Ҳусайн Бойқаро.
B) Шоҳруҳ Мирзо.
C) Абу Саид Мирзо.
D) Бобур.
E) Улуғбек.

53. 1870—1871 йиллардаги Франция-Пруссия урушининг якуни?
A) Франция енгилган, бир қисм ҳудудидан айрилган ҳамда контрибуция тўлаган.
B) Иккала томон яраш битимини имзолашга мажбур бўлганлар.
C) Пруссия енгилган.
D) Париж Коммунаси туфайли томонлар урушни тўхтатганлар.
E) Пруссия-Германия империясини барпо этган.

54. 1916 йилда Туркистонда содир бўлган халқ қўзғолони енгилишининг сабаби?
A) Қўзғолон раҳбарларининг қатъиятсизлиги.
B) Қўзғолоннинг мудофаа характерига эга бўлганлиги.
C) Қўзғолончиларнинг ёмон қуролланганлиги.
D) Қўзғолоннинг уюшмаганлиги, зарур тажриба ва тайёргарликка эга бўлган жанговар ташкилот раҳбарлигининг бўлмаганлиги.
E) Қўзғолоннинг ўз-ўзидан бошланганлиги.

55. XVI асрда (1505 йил) Хоразм воҳасида Хива хонлиги қай тариқа вужудга келди?
A) Шайбонийхоннинг Хоразмни босиб олиши натижасида.
B) Аштархонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши натижасида.
C) Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Хоразмни босиб олиши натижасида.
D) Феодал тарқоқлик рўй бериши оқибатида.
E) Шайбонийхонлар давлатининг емирилиши натижасида.

56. Антик даврда вужудга келган жаҳоннинг уч йирик империяси.
A) Хитой, Рим, Греция.
B) Ҳиндистон, Хитой, Македония.
C) Рим, Греция, Кушон.
D) Эрон, Кушон, Хитой.
E) Хитой, Рим, Кушон.

57. Келтирилган хусусиятлардан қайси бири ибтидоий тузумга хос эмас?
A) Умумий бошпана остида яшаш.
B) Меҳнат қуролларга биргаликда эгалик қилиш.
C) Умумий тенглик.
D) Қудратли мамлакат.
E) Жамоада биргаликда меҳнат қилиш.

58. Ҳарбий коммунизм сиёсати Совет ҳокимиятининг қайси даврида олиб борилган?
A) Коллективлаштириш.
B) Улуғ Ватан уруши.
C) 60-йиллардаги «Реформаторлик жазаваси» даврида.
D) 80-йиллардаги «Қайта қуриш» даврида.
E) Гражданлар уруши.

59. Қуйида санаб ўтилган мамлакатлардан қайси бири иккинчи жаҳон уруши йилларида Германияга иттифоқчи бўлган эмас?
A) Венгрия.
B) Италия.
C) Руминия.
D) Югославия.
E) Япония.

60. Сомонийлар давлатининг пойтахти?
A) Бухоро.
B) Самарқанд.
C) Марв.
D) Термиз.
E) Урганч.

61. XVIII аср охирларида Ўрта Осиё хонликлари иқтисодида катта ўзгаришлар юз берди. Ишлаб чиқариш усуллари феодал холича қолганининг далилини кўрсатинг?
A) Вилоятларнинг ихтисослашуви.
B) Товар-пул муносабатларининг ривожланиши.
C) Мануфактуранинг пайдо бўлиши.
D) Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқонлар асосий ишлаб чиқариш кучига айланиши.
E) Меҳнат тақсимоти жараёни.

62. Чор Россия қўшинлари Тошкентни қачон забт эттанлар?
A) 1864 й.
B) 1865 й.
C) 1868 й.
D) 1870 й.
E) 1860 й.

63. «Шоҳнома» асарининг муаллифи?
A) Ал-Хоразмий.
B) Рудакий.
C) Фирдавсий.
D) Форобий.
E) Ибн Сино.

64. Иван IV ҳукмдорлиги даврида бошқариш шакли қандай бўлган?
A) Табақа вакиллари монархияси.
B) Конституцион монархия.
C) Боярлар республикаси.
D) Дворянлар республикаси.
E) Мутлақ монархия.

65. Ибтидоий одамларнинг тўда-тўда бўлиб яшаши қайси тарихий давр учун хос эди?
A) Энеолит.
B) Мезолит.
C) Ҳеч даври.
D) Палеолит.
E) Неолит.

66. Юнон-Македония истилочиларига қарши кўтарилган халқ қўзғолонининг раҳбари?
A) Спитамен.
B) Широқ.
C) Антиох.
D) Арсак.
E) Скунха.

67. Ўзбекистон гербини Ҳумо қуши — бахт ва бойлик рамзи безаб турибди. Бу рамз қайси диндан олинган?
A) Зороастризмдан.
B) Манихейликдан.
C) Буддизмдан.
D) Исломдан.
E) Ибтидоий диний тасаввурлардан.

68. Чингизхон вафотидан кейин Ўрта Осиё қайси улус таркибига кирган?
A) Кучи.
B) Хулагу.
C) Чиғатой.
D) Олтин Ўрда.
E) Оқ ўрда.

69. Ўқ ва ёй қайси даврда пайдо бўлган?
A) Темир даври.
B) Ўрта палеолит.
C) Сўнгги палеолит.
D) Мезолит.
E) Неолит.

70. Биринчи жаҳон урушининг натижаси?
A) «Учлар иттифоқи»га кирувчи давлатлар енгилган.
B) Германия енгилган.
C) Антанта ғалаба қозонган.
D) Урушаётган томонлар Октябрь инқилоби туфайли урушни тўхтатишга мажбур бўлганлар.
E) Ғолиб томон бўлмаган яраш битими имзоланиб уруш тўхтатилган.

71. XIX аср охири — XX аср бошларида АҚШ иқтисодий тараққиёт жиҳатидан дунёда биринчи ўринга чиқиб олишининг асосий сабаби?
A) Америка халқининг меҳнатсеварлиги.
B) Қулай географик муҳит.
C) Ҳиндуларнинг қириб юборилганлиги, қолган қутганларининг эса яроқсиз ерларга кўчириб юборилганлиги.
D) 1861—65 йиллардаги фуқаролар уруши натижасида кучли ривожланган бозорнинг вужудга келганлиги.
E) Тўғри иқтисодий сиёсат юритилганлиги.

72. XIX аср охири — XX аср бошларида Англия иқтисодий тараққиётда нега орқада қола бошлади?
A) Четга кўплаб капитал чиқарилганлиги учун.
B) Иқтисодий ислоҳот ўтказилмаганлиги учун.
C) Фан-техника тараққиётига етарли маблағ сарфланмаганлиги учун.
D) Янги техника ва технологияни ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этмаганлиги учун.
E) Кўплаб босқинчилик урушлари олиб борганлиги учун.

73. Ўрта Осиёда ташкил топган дастлабки қулдорлик давлатлари қайсилар?
A) Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна.
B) Сўғдиёна, Кушон.
C) Кушон, Хоразм.
D) Хоразм, Бақтрия.
E) Кушон, Бақтрия.

74. Ҳиндистонда Бобурийлар давлатига қачон асос солинган?
A) 1513 й.
B) 1483 й.
C) 1530 й.
D) 1630 й.
E) 1525 й.

75. АҚШ қачон ва қай тариқа ташкил топган?
A) 1783 йилда; Оқ танлиларнинг қора танлилар устидан ғалаба қозонишлари натижасида.
B) 1776 йилда; Англия мустамлакачиларига қарши озодлик уруши натижасида.
C) 1773 йилда; маҳаллий ҳиндуларнинг қириб ташланиши оқибатида.
D) 1492 йилда; Америго Веспуччининг Американи кашф этиши натижасида.
E) 1492 йилда; Христофор Колумбнинг Американи кашф этиши натижасида.

76. «Жадидизм» қандай ҳаракат эди?
A) Большевикларга қарши.
B) Буржуа— либерал, миллий озодлик.
C) Диний.
D) Социал — демократик.
E) Пантуркистик.

77. XV асрнинг 1— ярмида «Ўзбеклар» деб аталган кўчманчи қабилалар яшаган географик ҳудудни қайд этинг?
A) Урал тоғ ёнбағирлари, Сирдарё қуйи оқими, Тобол, Урал, Иртиш, Илёк ҳамда Орол ҳавзаси орлағидаги кенгликлар.
B) Олтин Ўрда.
C) Урал тоғ ёнбағирлари.
D) Сирдарё қуйи оқими, Орол ҳавзаси.
E) Иртиш.

78. Турк хоқонлиги давлат бирлашмасини ташкил этган халқлар кимлар эди?
A) Уйғурлар, қирғизлар, ўғузлар.
B) Турклар, тожиклар.
C) Хитойликлар, мўғуллар.
D) Форслар, қирғизлар.
E) Уйғурлар, хитойлар.

79. Палеолит даврида хўжаликнинг асосий шакллари?
A) деҳқончилик ва чорвачилик.
B) теримчилик ва балиқчилик.
C) деҳқончилик ва теримчилик:
D) балиқчилик ва овчилик.
E) овчилик ва теримчилик.

80. Инқилоб моҳиятининг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
A) Инқилобда иштирок этган сиёсий партиялар.
B) Ҳаракатга келтирувчи кучлар.
C) Натижалар.
D) Мақсад ва вазифалар.
E) Халқ оммасининг фаоллиги.

81. Иккинчи жаҳон уруши олдидан қайси мамлакатлар Польшани бўлишиб олишган?
A) Германия ва Венгрия.
B) СССР ва Германия.
C) Германия ва Италия.
D) Германия ва Финляндия.
E) Франция ва Англия.

82. Амир Темур ёшлигида қайси шаҳарда ҳукмронлик қилган?
A) Балх.
B) Самарқанд.
C) Насаф.
D) Бухоро.
E) Кеш.

83. Ўрта Осиёда 1924 йили ўтказилган миллий давлат чегаралашишининг моҳияти нимадан иборат эди?
A) Совет давлатлари сонини кўпайтириш.
B) Миллий тотувликни қарор топтириш.
C) Миллий республикаларни вужудга келтириш.
D) Ўлкани бошқаришни осонлаштириш учун Ўрта Осиё халқларини бўлиб юбориш.
E) Миллий чекка ўлка халқлари асрий қолоқлигига барҳам бериш.

84. Чор Россияси қўшинлари Хивани қачон забт эттанлар?
A) 1876 й.
B) 1871 й.
C) 1872 й.
D) 1873 й.
E) 1875 й.

85. «Авесто» нима?
A) Тарихий йилнома.
B) Геродот асари.
C) Диний калималар, афсоналар тўплами.
D) Қадимги шаҳарнинг номи.
E) Страбон асари.

86. XVI асрнинг 50-йилларида И. Грозний ўтказган реформалар натижасида:
A) Мунтазам армия барпо этилди.
B) Боярларнинг мавқеси ошди.
C) Дворянларнинг мавқеси тушди.
D) Крепостной қарамлик камайди.
E) Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари жорий этилди.

87. Қайси топилма билан Тешиктош манзилгоҳи машҳур бўлди?
A) Ибтидоий одамнинг қолдиқлари.
B) Меҳнат қуроллари.
C) Ҳайвон суяклари.
D) Қоятошлардаги расмлар.
E) Сопол идишлар.

88. Искандар Зулқарнайн истилосига қарши чиққан Бақтрия ва Суғдиёна вилоятлари ҳокими?
A) Фарасман.
B) Оксиарт.
C) Спитамен.
D) Хориен.
E) Бесс.

89. Инсоннинг моддий жиҳатдан таъминланиши унинг ёвузликка қарши муваффақиятли курашининг натижасидир. Қадимги динлардан қайси бирида ушбу ғоя етакчи ўрин эгаллаган?
A) Ибтидоий анъанавий маросимларда.
B) Зороастризм.
C) Буддизм.
D) Манихейлик.
E) Ислом.

90. Мўғул истилочиларига қарши Хўжанд мудофааси ҳаракатига ким раҳбарлик қилди?
A) Иналикхон.
B) Темур Малик.
C) Жалолиддин.
D) Чиғатой.
E) Маҳмуд Яловач.

ГЕОГРАФИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жавоблари

1. География нимани ўрганади?
A) Ер юзаси хўжалиги ва аҳолисини.
B) Ер юзаси табиатини.
C) Ер юзаси табиати ва аҳолисини.
D) Ер юзаси табиати, аҳолиси ва унинг хўжалик юритиш фаолиятини.
E) Ер юзаси табиати ва хўжалигини.

2. Жаҳон океанининг суви шўр эканлиги ҳаммага яхши маълум. Сувининг шўрлик миқдори энг баланд, яъни 42% бўлган денгиз номини кўрсатинг.
A) Мармар денгиз.
B) Қора денгиз.
C) Ўртаер денгизи.
D) Қизил денгиз.
E) Кариб денгизи.

3. Горизонталлар нима?
A) Барчаси тўғри.
B) Пландаги баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизиқлар.
C) Пландаги мутлақ баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи шартли чизиқлар.
D) Пландаги баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи тўғри чизиқлар.
E) Пландаги нисбий баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизиқлар.

4. Берилган А ва Б нуқталар оралиғидаги масофа 15 километрни ташкил этади. Бу масофа 1:5000000 масштабли харитада қанча бўлади?
A) 15,0 см
B) 3,0 мм
C) 4,5 см
D) 30,0 см
E) 3,0 см

5. Илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган ва табиати қўриқланадиган махсус ажратилган майдон?
A) Қўриқхона-овчилик хўжалиги.
B) Чекланган меъёрдаги қўриқхона.
C) Миллий парк.
D) Қўриқхона.
E) Экологик марказ.

6. Ер юзасида қандай сабабга кўра иссиқлик ва ёруғлик бир текисда тақсимланмайди?
A) Қуёш нурлари баъзи бир кенгликларда ҳар хил бурчак остида тушганлиги учун.
B) Қуёш нурлари турли кенгликларда ҳар хил бурчак остида тушганлиги учун.
C) Қуёш нурлари турли кенгликларда бир хил бурчак остида тушганлиги учун.
D) Ер билан қуёш ўртасидаги масофанинг йил давомида ўзгариб туриши сабабли.
E) Қутбий ва экватор радиуслари ҳар хил узунликка эга бўлгани сабабли.

7. Қайси водий Тяншань ва Помир-Олой тоғларини ажратиб туради?
A) Олой.
B) Зарафшон.
C) Иссиқ-Кўл.
D) Норин.
E) Фарғона.

8. Устюрт платосида энг кўп тарқалган тупроқ тури?
A) Тақир тупроқ.
B) Соф қўнғир тупроқ.
C) Жигар ранг тупроқ.
D) Сур-қўнғир тупроқ.
E) Шўрхок тупроқ.

9. Доимо жойини ўзгартириб турувчи Лобнор кўли бор. Нима сабабдан бу кўлнинг географик ўрни ўзгариб туради?
A) Тектоник ҳаракат натижасида.
B) Кўл туби дарё ётқизиқлари билан тўлиши натижасида.
C) Ҳаракатдаги кучли шамоллар таъсирида.
D) Кўлга қуйиладиган дарёлар ўзанларининг доимо ўзгариб туриши натижасида.
E) Кўл ҳажмининг кенгайиб бориши натижасида.

10. Қишлоқ хўжалик мақсадларида ерларни ўзлаштириш табиатда қандай ўзгаришларга олиб келади?
A) Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзгаради.
B) Рельефнинг ўзгариши.
C) Грунт сувлари фаолиятининг ўзгариши.
D) Табиий ландшафт бутунлай ўзгаради.
E) Шамол йўналиши ўзгаради.

11. Газли, Муборак ва шу каби газ конлари очилмаганда чўл ландшафтларининг қайси гуруҳлари инсон томонидан яроқсиз ҳолга келтириб қўйилган бўларди?
A) Эфемер ўсимликлари ўсадиган тоғ олди текислик ландшафтлари.
B) Эфемер ўсимликлари мавжуд бўлган гилли чўллар ландшафти.
C) Юлғун, шувоқ ўсимликлари мавжуд бўлган тошлоқ чўл ландшафти.
D) Голофит ўсимликлари бўлган шўрхок чўл ландшафти.
E) Саксовул ўсадиган қумли чўллар ландшафти.

12. Орол денгизи сатҳи камайишининг асосий сабабини кўрсатинг.
A) Орол денгизи тубининг тек-тоник чўкиши.
B) Тоғ музликлари ва дарё сувларининг камайиши.
C) Ҳароратнинг кўтарилиши.
D) Ер ости сув заҳираларининг камайиши.
E) Денгиз тўйинадиган дарё сувларининг суғориш учун олиниши.

13. Вариантларнинг қайси бирида халқаро географик меҳнат тақсимоти тушунчасига тўғри таъриф берилган?
A) Айрим мамлакатлар учун анъанавий бўлган маҳсулот турини кўплаб ишлаб чиқариши.
B) Айрим мамлакатларнинг муайян хил маҳсулот, хомашё ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ёки уларни айирбошлаши.
C) Айрим мамлакатларнинг аҳоли меҳнат малакасини эътиборга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариши.
D) Айрим мамлакатларнинг табиий ресурсларини эътиборга олган ҳолда маҳсулот турини белгилаши.
E) Айрим мамлакатларнинг табиий шароитини эътиборга олган ҳолда хомашё ишлаб чиқариши ва уларни айирбошлаши.

14. Вариантларнинг қайси бирида ишлаб чиқаришнинг марказлашуви (концентрацияси) шаклига тўлиқ таъриф берилган?
A) Майда корхоналарнинг бирлашиши.
B) Кўплаб саноат корхоналарини бир жойга жойлаштириш.
C) Ишлаб чиқаришнинг йирик корхоналарда тўпланиши.
D) Ишлаб чиқариш корхоналарининг йирик шаҳарларда тўпланиши.
E) Маҳсулотнинг барча қисмларини бир жойда ишлаб чиқариш.

15. Саноатни жойлаштириш шакллари ичида энг йириги қайси?
A) Саноат тугуни.
B) Саноат узели.
C) Саноат маркази.
D) Саноат райони.
E) Саноат пункти.

16. 60-йилларнинг бошларида демографик портлаш тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча нимани англатади?
A) Аҳоли кўпайиш даражасининг кескин ўсиб кетиши.
B) Меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли сонининг кескин камайиб кетиши.
C) Аҳоли ўсиши даражасининг кескин камайиб кетиши.
D) Шаҳар аҳолисининг кўпайиши.
E) Мамлакатда миграция даражасининг кескин ўсиши.

17. Республиканинг ёқилғи балансини ошириш ва нефть маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда муҳим ўрин тутадиган асосий конни кўрсатинг.
A) Кокайт.
B) Ҳожиобод.
C) Полвонтош.
D) Хаудаг.
E) Кўкдумалоқ.

18. Чотқол тоғи этакларида учрайдиган қайси хомашёдан асосий «қанотли» металл олинади?
A) Аппатит.
B) Алунит.
C) Боксит.
D) Каолин.
E) Фосфорит.

19. Шаҳарларнинг тараққий этиши бутун бир йирик шаҳар ареалининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу қайси давлатларга хос?
A) Швейцария.
B) АҚШ.
C) Италия.
D) Португалия.
E) Финляндия.

20. Қуйидаги саноат тармоқлари тузилишига эга бўлган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини аниқланг.
саноат тармоқлари, бандлик % ҳисобида
тоғ-кон, 7
қайта ишлаш, 89
электроэнергетика, 4
A) Колония (мустамлака).
B) Юксак индустрия ривожланган.
C) Кам ривожланган.
D) Ривожланаётган.
E) Доминион (ярим мустамлака).

21. Шарқий Европада жойлашган, кимё — фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи энг йирик мамлакат?
A) Чехия.
B) Венгрия.
C) Польша.
D) Болгария.
E) Руминия.

22. Территориал ишлаб чиқариш комплекси ва энергия ишлаб чиқариш цикллари назарияси иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бу тушунчаларнинг ўзаро фарқи нимадан иборат?
A) Ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш; табиий ресурсларни ўзлаштириш.
B) Ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳудудий мажмуаси; ишлаб чиқариш жараёни.
C) Ишлаб чиқаришни бошқариш; ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш.
D) Ишлаб чиқариш тармоқлари; корхоналар орасидаги ўзаро боғлиқлик.
E) Ишлаб чиқариш корхоналари; тармоқлар тизими.

23. «География» сўзини ким биринчи марта қўллаган?
A) Ал-Хоразмий.
B) Эратосфен.
C) Птолемей.
D) Аристотель.
E) Геродот.

24. Жаҳон океани сувлари ҳароратига таъсир кўрсатувчи асосий омил?
A) Сувнинг шўрлиги.
B) География кенглик ва чуқурликлар.
C) Денгиз тубининг рельефи.
D) Сувнинг зичлиги.
E) Океан оқимлари.

25. 1:500000 масштабли харитада А ва Б нуқталар орасидаги масофа 20 сантиметрни ташкил этади. Маълум бир географик жойда бу масофа қанча бўлади?
A) 1000,0 км
B) 10,0 км
C) 40,0 км
D) 4,0 км
E) 100,0 км

26. Рельеф деганда нимани тушунасиз?
A) Бутун ер юзаси.
B) Ер юзасидаги тепалик ва қирлар.
C) Ер юзасидаги текислик ва тепаликлар.
D) Ер юзасидаги тепалик, қир ва текисликлар.
E) Ер юзасидаги тоғлар.

27. 1986 йил ЮНЕСКО қарорига мувофиқ биосфера мақоми берилган Ўзбекистондаги қўриқхона номини кўрсатинг.
A) Қизилқум.
B) Зарафшон.
C) Чотқол.
D) Зомин.
E) Қоракўл.

28. Чотқол тизмаси ва Чимён чўққиси қайси тоғ тизимига киради?
A) Копетдоғ.
B) Помир-Олой.
C) Ҳиндиқуш.
D) Тянь-Шань.
E) Олтой.

29. Ер ўз орбитаси бўйлаб Қуёш атрофида ҳаракат қилиши натижасида:
A) Ернинг ўз орбитаси бўйлаб ҳаракат қилиш тезлиги ўзгаради;
B) фаслллар алмашади;
C) кеча билан кундуз алмашади;
D) Ер ўқи билан орбита текислиги орасидаги бурчак ўзгаради;
E) Ер юзида иссиқлик билан ёруғлик бир текисда тақсимланади.

30. Яқингача ривожланиб келган қумли массив Туркистоннинг қайси пастекислигида мавжуд эди?
A) Норин.
B) Иссиқ-кўл.
C) Олой.
D) Зарафшон.
E) Фарғона.

31. Адир минтақаси учун хос бўлган тупроқ?
A) Шўрхок.
B) Бўз тупроқ.
C) Қул ранг.
D) Тақирлар.
E) Сарғиш ер.

32. Ёз ойлари Ўрта Осиё йўлларида тез-тез кучли шамоллар эсиб туради. Бу шамоллар юзага келиши асосий сабаби нимадан иборат?
A) Чўл ва атроф ҳудуд оралиғидаги атмосфера босимида катта фарқ мавжудлиги.
B) Субтропик ва мўътадил иқлим минтақалари чегарасида жойлашгани учун.
C) Рельефнинг текислиги.
D) Ўсимликларнинг сийраклиги.
E) Ҳавонинг қуруқлиги.

33. Шарқий Сибирь антициклони (Осиё максимуми) йўқолса, Тошкент шаҳри иқлимида қандай ўзгаришлар содир бўлади?
A) Ёзда ёғингарчилик кўпаяди.
B) Қиш фасли нисбатан илиқ ва серёғин бўлади.
C) Ёзнинг ҳарорати кўтарилади.
D) Қишки ёғинлар ҳажми камаяди.
E) Қишки шамоллар сусаяди.

34. Қорақум каналининг қурилиши табиатга қандай зарар етказган?
A) Ҳаракатдаги қумлар мустаҳкамланган.
B) Қанал атрофидаги иқлим ўзгарган.
C) Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида янги турлар пайдо бўлган.
D) Тупроқ таркибидаги шўр ошиб кетган ва шўрхок ерлар пайдо бўлган.
E) Ҳаракатдаги қум қатламларининг майдони кенгайган.

35. Халқаро географик меҳнат тақсимотининг энг муҳим хусусиятини белгиланг?
A) Комбинатлаштириш.
B) Интеграция.
C) Кооперация.
D) Ихтисослашиш.
E) Концентрация.

36. Вариантларнинг қайси бирида кооперативлашув шакли тўғри кўрсатилган?
A) ишлаб чиқариш жараёнининг бир қанча корхона иштирокидаги шакли.
B) Давлат корхоналари билан шахсий хўжаликларнинг қўшилиши.
C) бир корхона доирасида тайёр маҳсулот тайёрлаш.
D) ихтисослашган корхоналар йиғиндиси.
E) майда корхоналарнинг қўшилиши.

37. Вариантларнинг қайси бирида саноат марказининг таърифи тўғри берилган?
A) Бир-бирига боғлиқ бўлмаган корхоналарнинг ёнма-ён жойлашиши.
B) Ўзаро боғланмаган бир неча корхоналари бўлган шаҳар.
C) Озгина корхоналари бўлган шаҳар.
D) Саноат узеллари ва пунктлари тўпланган ҳудуд.
E) Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш корхоналарини бир-бирига яқин жойлаштириш.

38. Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг асосий қисми халқ хўжалигининг қайси тармоқларида банд?
A) Илм, халқ таълими, маданият.
B) Саноат ва қурилиш.
C) Транспорт ва савдо.
D) Қишлоқ хўжалиги.
E) Хизмат кўрсатиш.

39. Ўзбекистон рангли металлургия саноатининг асосий марказларини кўрсатинг.
A) Жиззах, Муборак, Толимаржон.
B) Тошкент, Андижон, Бухоро.
C) Фарғона, Кўқон, Гулистон.
D) Наманган, Урганч, Тўйтепа.
E) Олмалиқ, Зарафшон, Чирчиқ.

40. Кўрсатиб ўтилган гуруҳлардан қайси бирини хом ашё манбалари яқинида жойлаштирган маъқул?
A) Қишлоқ хўжалик техникаси ва приборсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
B) Ўғит ва шакар ишлаб чиқариш.
C) Ер остида ишлаш учун ускуналар ва мебель ишлаб чиқариш.
D) Нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
E) Олтингугурт ва хлорид кислотаси ишлаб чиқариш.

41. Аҳолисининг асосий қисми денгиз сатҳидан 1000м дан баландда жойлашган давлатларни топинг.
A) Тожикистон, Эрон, Покистон.
B) Монголия, Корея, Малайзия.
C) Италия, Франция, Швеция.
D) Перу, Афғонистон, Боливия.
E) Миср, Жазоир, Ливан.

42. Ривожланган капиталистик мамлакатлар хўжалиги учун характерли бўлмаган жиҳат?
A) Қайта ишлаш саноати маҳсулотлари экспортда етакчилик қилади.
B) Иқтисоднинг кўп тармоқлилиги.
C) Янги ва энг замонавий тармоқларнинг ўсиши.
D) Тоғ-кон тармоғи қайта ишлаб чиқарувчи саноатдан ўзиб кетади.
E) Саноат маҳсулотлари нархи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархидан 5-10 маротаба юқори бўлади.

43. Саноатнинг қайси тармоғи Шарқий Европада халқаро ихтисослашган тармоқ бўлиб ҳисоблади?
A) Енгил саноат.
B) Машинасозлик.
C) Қора металлургия.
D) Рангли металлургия.
E) Озиқ-овқат саноати.

44. Агросаноат комплекси ва территориал ишлаб чиқариш комплексларини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришда маълум шарт ва шароитлар бўлиши лозим. Қуйидаги вариантларнинг қайси бири булар учун хос?
A) Корхоналар орасидаги алоқадорлик; меҳнат ресурсларини жойлаштириш.
B) Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш; ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
C) Хомашёни қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш; мавжуд табиий ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш.
D) Тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш; хомашёни қайта ишлаш.
E) Оғир саноат комплексларининг мажмуаси; енгил саноат тармоқлари.

45. Қайси вариантда қолдиқ жинслар кўрсатилган?
A) Графит, олмос.
B) Ош тузи, калий тузи.
C) Кварцит.
D) Олтин, кумуш.
E) Базальт, пемза.

46. Хаританинг қайси чизиқларига қараб ўртача йиллик ҳароратни аниқлаш мумкин?
A) Изогиеталар.
B) Изогипслар.
C) Изотермалар.
D) Горизонтал.
E) Изобаралар.

47. Денгиз ва океан сувлари бостириб келиш (прилив) ва қайтиш (отлив) — хусусиятларига эга. Аммо бостириб келиш ва қайтиш вақти ва сув сатҳи ҳар доим ҳам бир хил бўлмайди. Қаерда энг баланд сатҳда сув бостириб келиши ва қайтиши кузатилади?
A) Оқ денгиз.
B) Карпентарий кўрфази.
C) Мексика кўрфази.
D) Жанубий Хитой денгизи.
E) Фанди кўрфази (Атл. океани).

48. 225 — азимутга асосланган ҳолда у қайси йўналишга мос тушади?
A) Шимол.
B) Шимоли-шарқий.
C) Жануби-ғарбий.
D) Ғарбий.
E) Жануби-шарқий.

49. Межень нима?
A) Дарё сувининг бир йил ичидаги сарфи.
B) Дарё суви сатҳининг ўзгариши.
C) Дарё суви энг паст сатҳга эга бўлган вақт.
D) 1 км га пастга тушиш катталиги.
E) Дарёнинг бошланиши ва қуйи қисми ўртасидаги баландлик тафовути.

50. Қуйидаги географик таъриф қайси материкка тааллуқли: жанубий ярим шарда жойлашган, жанубий қутб кенглигини кесиб ўтади, қирғоқларини Тинч, Ҳинд ва Атлантика океанлари ювиб туради?
A) Жанубий Америка.
B) Шимолий Америка.
C) Австралия.
D) Антарктида.
E) Африка.

51. Панж ва Вахш дарёларининг қўшилиши натижасида юзага келган қайси дарё Бухоро ва Қарши воҳаларини сув билан таъминлайди?
A) Зарафшон.
B) Сурхондарё.
C) Амударё.
D) Қорадарё.
E) Сирдарё.

52. Қайси водий Туркистон ва Зарафшон тизмаларининг тугаш ерларида жойлашган?
A) Фарғона.
B) Олой.
C) Норин.
D) Китоб — Шаҳрисабз.
E) Самарқанд.

53. АҚШнинг Тинч океан қирғоқларида жойлашган Сиэтл билан Тошкент қардош шаҳарлар саналади. Сиэтл Тошкентга нисбатан бироз шимолроқда жойлашган бўлса-да, иқлими юмшоқ, унда кескин фасл ўзгариши жараёни кузатилмайди. Бу икки шаҳар иқлими ўртасидаги тафовут сабабини кўрсатинг.
A) Тоғ орасида жойлашганининг таъсири.
B) Океанга нисбатан жойлашиши.
C) Қуёш радиацияси.
D) Иқлимни ҳосил қилувчи бошқа факторлар.
E) Жойлашиш баландлигининг хилма-хиллиги.

54. Қозоғистоннинг пойтахти Олмаота шаҳри бир неча маротаба кучли тоғ селлари остида қолган. Бу шаҳарда сел хавфи кучлилигининг сабаби нимада?
A) Тоғлар ўсиши ва тик қояларнинг юзага келиши.
B) Ҳовузлар ости кўлларнинг зовурлари туфайли.
C) Атмосфера ёғинларининг кўплигидан.
D) Тоғ қорларининг эриши туфайли.
E) Тоғлардаги кўплаб ўрмонлар кесиб ташлангани туфайли.

55. Агар тундрадаги июль ойининг ўртача ҳарорати +10— С ўзгарса, у ҳолда бу ерда қандай ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тарқалади?
A) Қарағай, Эман, буғу, сувсар, сув қундузи.
B) Жўка, шумтол, қайрағоч, буғу, чўчқа, сув қундузи.
C) Чалов, бетага, ингичка оёқ, сайгак, сурок, юморқозиқ.
D) Қорақайин, қайин, жўка, буғу, қора кузан, сув қундузи.
E) Тилоғоч, қора қарағай, оқ қарағай, сувсар, айиқ, оласичқон (бурундуқ).

56. Тошқин сувларининг инсон томонидан бошқарилиши (тартибга солиниши) тўқай ўсимликларига қандай таъсир кўрсатади?
A) Фитогеноз ўсимликлардан айримлари тушиб қолади.
B) Ўсимлик турлари ўзгаради.
C) Ўсимликлар нобуд бўлади.
D) Ўсимликларнинг ривожланиши кузатилади.
E) Ўзгариш бўлмайди.

57. Қуйидагиларнинг қайси бири экстенсив ривожланишга тўғри келади?
A) Ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун кўпроқ маблағ ва меҳнат сарф қилиш.
B) Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш эвазига ривожлантириш.
C) Ишлаб чиқаришнинг қадимий усулларини қўллаш йўли билан ривожлантириш.
D) Маблағ ва меҳнат кам сарфланадиган, ФТР муваффақиятларидан кам фойдаланадиган хўжалик.
E) Ишлаб чиқариш унумдорлигини фан-техника тараққиёти негизида, ресурслардан оқилона фойдаланиб ривожлантириш.

58. Бир неча корхона учун зарур бўлган маҳсулот тайёрлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқаришнинг мунтазам иқтисодий ҳамкорлик шакли?
A) Тармоқлар.
B) Ихтисослашиш.
C) Кооперация.
D) Саноат.
E) Комбинатлашиш.

59. Ўзбекистоннинг олтин қазиш маркази — Зарафшон шаҳри қайси кон туфайли бунёд бўлган?
A) Зармитан.
B) Маржонбулоқ.
C) Мурунтов.
D) Олмалиқ.
E) Чодак.

60. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлигининг асосий марказларини кўрсатинг?
A) Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд.
B) Тошкент, Фарғона, Бухоро.
C) Тошкент, Наманган, Гулистон.
D) Тошкент, Навоий, Жиззах.
E) Тошкент, Нукус, Термиз.

61. Асосий металлургия негизининг таърифини келтиринг.
A) Ҳомашё базаси яқинида жойлашган бир металлургия заводи.
B) Бир турдаги табиий ресурслардан фойдаланадиган металлургия заводлари гуруҳи.
C) Тўла циклга эга бўлган металлургия заводлари.
D) Қайта ишловчи металлургия заводларининг жойлашуви.
E) Ҳар хил руда ва ёқилғи турларидан фойдаланувчи металлургия заводлари гуруҳи.

62. Аҳолиси 1 млн. кишидан кам мамлакатни аниқланг?
A) Қувайт.
B) Исландия.
C) Латвия.
D) Молдова.
E) Испания.

63. Алюминий саноатини жойлаштиришда қайси омиллар муҳим ўрин тутади?
A) Ҳом ашё базаси.
B) Юқори малакали меҳнат ресурслари.
C) Арзон энергия манбаи.
D) Табиий шароит.
E) Истеъмолчи.

64. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг тез ривожланаётган (заём ва қарзлар бериш, капитал бериш, капитал ҳаракатлар) шаклини аниқланг.
A) Ташқи савдо.
B) Халқаро туризм.
C) Фан ва техника алоқалари.
D) Турли хил хизмат кўрсатиш.
E) Кредит-молия муносабатлари.

65. Лотин Америкасининг бир қанча ички районлари иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилмаган ва у ерда аҳоли деярли яшамайди. Бунинг асосий сабабларини кўрсатинг.
A) Рақобат.
B) Рельефнинг мураккаблиги.
C) Ихтисослашган саноат тармоқлари ва иқтисоднинг паст ривожланганлиги.
D) Табиий ресурсларни жойлаштириш.
E) Иқтисодий географик ўрни.

66. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг бош тушунчаси район бўлиб, у ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий районлар бир неча босқичдан иборат бўлади. Улар қайсилар?
A) Йирик, ўрта маъмурий ва қуйи иқтисодий районлар.
B) Саноат маркази, қишлоқ хўжалик ва саноат иқтисодий районлари.
C) Йирик иқтисодий район, хўжалик маркази ва саноат тугуни.
D) Иқтисодий район, иқтисодий зона ва саноат маркази.
E) Маъмурий район, вилоят маркази, саноат узели.

67. Тоғ жинслари ва минералларнинг ҳар хил бўлиши сабабларини кўрсатинг?
A) Емирилиш.
B) Чуқурликда жойлашганлиги.
C) Ер қобиғида уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши учун ернинг чуқур қатламларида ҳосил бўлган шарт-шароитлар.
D) Юқори температура.
E) Нурлаш жараёни.

68. Иқлим харитаси ёрдамида атмосфера босимини аниқлашда фойдаланиладиган чизиқлар?
A) Меридианлар.
B) Изогипслар.
C) Изогиеталар.
D) Изобарлар.
E) Изотермалар.

69. Атмосфера босимига таъсир этувчи факторларни кўрсатинг.
A) Денгиз ва океанларнинг узоқлиги.
B) Ҳаво ҳарорати ва баландлик.
C) Ҳавонинг намлиги.
D) Ернинг магнит майдони.
E) Жуғрофий кенглик.

70. Қўқон шаҳри Тошкентнинг жанубий-шарқида жойлашган. Кўрсатилган томоннинг азимутини аниқланг.
A) 330°
B) 0°
C) 185°
D) 270 °
E) 135°

71. Дарёнинг боши (манбаи) нима дегани?
A) Дарё асоси (базиси).
B) Дарё бошланадиган жой.
C) Дарё қуйиладиган жой.
D) Дарё оқиб ўтадиган жой.
E) Дарё оқими.

72. Ўрта Осиёни ўрганишга катта ҳисса қўшган олимнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг номи катта музликка берилган эди. Бу олим ким?
A) Н. А. Северцев
B) В. Ф. Ошанин
C) А. П. Федченко
D) П. К. Козлов
E) Л. С. Берг

73. Қайси текислик Сирдарё сувлари билан ювилади?
A) Китоб — Шаҳрисабз.
B) Самарқанд.
C) Туркистон.
D) Олой.
E) Норин.

74. Ўзбекистон дарёлари қайси сув ҳавзаларига киради?
A) Ҳинд океани.
B) Шимолий Муз океани.
C) Атлантика океани.
D) Ички сув ҳавзаларига.
E) Тинч океани.

75. Ҳиндистоннинг Черрапунжи қишлоғи энг кўп ёмғир ёғадиган жойлардан бири. У ерда ёғингарчилик кўп бўлишининг сабаби нимада?
A) Доимо бир жойда бўладиган ва ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлган ҳаво массалари.
B) Муссон иқлим.
C) Тоғ ёнбағирларининг қулай жойлашуви.
D) Муссон иқлим ва тоғ ёнбағирларининг қулай жойлашуви.
E) Жойининг баландлиги (денгиз сатҳидан 1313 м).

76. Охирги юз йил ичида Ўрта Осиёда кўллар сон жиҳатдан кўпайиб бормоқда. Нима учун?
A) Ирригация — зовур сувларининг кўпайиши.
B) Ёғингарчиликнинг кўпайиши.
C) Кўлларнинг ер ости сувларидан тўйиниши.
D) Сув сатҳидаги парланишнинг камайиши.
E) Тоғларда муз тўғонлари ва қор уюмлари юзага келиши.

77. Россия текислигини кесиб ўтувчи дарёнинг ирмоқлари 5-10 метрга чуқурлаштирилса, қандай табиий географик жараён юзага келади?
A) Шамолнинг эсиши ўзгаради.
B) Чўл ўсимликлари ўрмон, дашт ва дашт ўсимликлари ҳисобига кўпаяди.
C) Ер ости сувларининг фаолияти кучаяди.
D) Қояларнинг ўпирилиши юз беради.
E) Сурулма ва жарларнинг ривожланиши кузатилади.

78. Саҳрои Кабир ва Туркистон чўлларида ибтидоий одамнинг кўплаб қолдиқлари мавжуд. Одамнинг чўлга келиб яшаши нима билан боғлиқ?
A) Ернинг «илиқлиги» ва қуруқлиги билан.
B) Нам иқлим даври келиши билан.
C) Одамнинг шафқатсиз чўл шароитига мослаша олгани билан.
D) Сайёр чўл дарёлари мавжудлиги билан.
E) Овчиларнинг мавсумий кўчиб юриши билан.

79. Қуйидаги саноат тармоқларининг қай бири ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаради?
A) Енгил саноат.
B) Гидролиз саноати.
C) Тўқимачилик саноати.
D) Озиқ-овқат саноати.
E) Машинасозлик саноати.

80. Илмталаб тармоқларни жойлаштиришда қайси омиллар муҳим рол ўйнайди?
A) Табиий шароит.
B) Истеъмолчи.
C) Хомашё базаси.
D) Юқори малакали меҳнат ресурслари.
E) Арзон энергия манбаси.

81. Мамлакат хўжалигининг қиёфаси нима билан белгиланади?
A) Аҳоли сони.
B) Табиий шароит.
C) Табиий ресурслар.
D) Халқаро ихтисослашув.
E) Меҳнат самарадорлиги.

82. Ўзбекистоннинг қайси вилоятига республикада ишлаб чиқариладиган куржутнинг 90% тўғри келади?
A) Наманган.
B) Тошкент.
C) Хоразм.
D) Самарқанд.
E) Фарғона.

83. Чинни буюмлар саноатининг йирик марказлари қаерда жойлашган?
A) Олмалиқ, Гулистон, Ғазалкент, Наманган.
B) Каттақўрғон, Қарши, Урганч.
C) Бухоро, Самарқанд, Чуст, Нукус.
D) Наманган, Фарғона, Термиз, Қарши.
E) Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд, Фарғона.

84. Қайси йирик тоғ-металлургия комбинати мис ва руҳқўрғошин карьерлари, тўйинган рудалар фабрикалари ва мис эритиш заводини ўз таркибида бирлаштириб туради?
A) Зарафшон.
B) Ангрен.
C) Чирчиқ.
D) Олмалиқ.
E) Оҳангарон.

85. Приборсозлик корхоналарини жойлаштиришда қайси омилларга биринчи галда эътибор бериш лозим?
A) Истеъмолчига.
B) Сув ресурслари.
C) Юқори малакали мутахассисларга.
D) Арзон энергия манбаларига.
E) Хомашё манбаларига.

86. Вариантларнинг қайси бирида давлатлар аҳолисининг сони бўйича тўғри жойлаштирилган?
A) Хитой, Ҳиндистон, Россия, Индонезия, АҚШ.
B) Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Индонезия.
C) Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Россия, Индонезия.
D) Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Россия.
E) Россия, Ҳиндистон, Хитой, Индонеция, АҚШ.

87. Кон саноати тараққиёти учун асосий таъсир кўрсатувчи омил?
A) Сув ресурслари.
B) Транспорт.
C) Табиий ресурс.
D) Меҳнат ресурслари (малакали мутахассислар).
E) Арзор энергия манбаси.

88. Ўзбекистон ҳудудидаги қайси иқтисодий район таркибига қўшни давлатлар вилоятлари киради?
A) Мирзачўл.
B) Қуйи Амударё.
C) Тошкент.
D) Фарғона.
E) Бухоро — Навоий.

(Тест савол-жавобларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТТМ ва «Маърифат» газетаси таҳририяти рухсатисиз чоп этиш ва тарқатиш мумкин эмас).

Илғор тажриба майдонларида

ҚАДРИЯТЛАР САБОҒИ

Ўқувчиларни миллий урф-одат ва анъаналарга, умуминсоний қадриятларга эътиқодлилик руҳида тарбиялаш халқ таълими тизими олдида турган асосий вазифалардандир. Мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлиги эса бу борада муҳим ўрин тутади. Андижон вилояти Пахтаобод туманида ўтказилган республика семинар-кенгаши ана шу мавзуга бағишланди. Унда халқ таълими ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари иштирок этдилар. Сўзга чиққан нотиқлар ўқувчи-ёшларни билим масканларидаёқ ҳаётга тайёрлашга эришиш, уларга чуқур билим, мукаммал тарбия бериш, ҳунар ўргатиш, тарбияга масъул томонларнинг ҳамкорлигидаги янгича услуб, шакл-шамойил ва самаралари ҳақида фикр юритдилар.

Анжуман айнан Андижонда ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор. Ёшларни ҳамкорлик услуб ва тамойилларига таяниб тарбиялашда муайян тажриба тўпланган. Мисол учун бир неча йиллардан бери «Одобнома» дарсларига янгича ёндашиляпти. Қорасув шаҳри, Хўжаобод, Избоскан ва Пахтаобод туманларининг қатор умумтаълим мактабларида машғулотлар обрў-эътиборли хонадонларда, аҳил оилаларда, эл назарига тушган ҳазрати инсонлар иштирокида олиб бориляпти. Яқинда Қорасув шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли мактабда умуминсоний қадриятлар мавзуида семинар ҳам ўтказилди. Бу ўқув даргоҳида муаллимлар жамоасининг «Мактаб, оила ва маҳалла» концепцияси асосида дадил иш юритганлиги туфайли ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг пайи қирқилгани ва аълочи, жамоатчи ўғил-қизларнинг кўпайганини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Ҳозир вилоятдаги 560 та мактабда ҳунармандчилик тўгараклари ташкил этилган. 11 та ҳунар лицейида эса болаларга дурадгорлик, косибчилик, мисгарлик, заргарлик, дўппидўзлик, пичоқчилик каби ўндан ортиқ миллий ҳунарлар ўргатиляпти. Республика Халқ таълими вазирлиги ва вилоят ҳокимлигининг яқиндан берган ёрдами туфайли вилоятнинг уч жойида — Қорасув, Шаҳрихон шаҳарлари ва Олтинкўл туманида узлуксиз ҳунар таълимини йўлга қўйиш мақсадида боғча, мактаб ва билим юрти бирлашмаси ташкил этилди. Қўлланган шу каби тадбирлар, олиб борилган узлуксиз, кенг қамровли тарбиявий ишлар ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. 1994 йилда вилоят бўйича талабалар орасида жиноятчилик сони кескин қисқарди. Бўз, Балиқчи, Олтинкўл туманларида эса жиноят содир этилмади. Бунга яна асосий сабаб қилиб ўқувчи-ёшларнинг машғулотдан бўш вақтларини фаол, фойдали машғулот билан ўтказишлари устидан назоратни кучайтириш ва ота-оналарнинг тарбия борасидаги масъулиятини ошириш каби ибратли услубларни кўрсатиш мумкин. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабек Халилов ўз маърузасида ана шу масалалар хусусида ҳам таҳлилий фикр юритди.

Анжуман иштирокчилари шу куни вилоятнинг туман ва шаҳарларида бўлиб, тарбиядаги ҳамкорлик борасида тўпланган тажрибаларни ўрганишиб, ўзаро фикр алмашдилар.

Семинар-кенгаш ишида халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ҳамда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров иштирок этиб, нутқ сўзладилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

НУКУСДАГИ СЕМИНАР

Нукус шаҳридаги «Прогресс» тил тайёргарлиги марказида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирликлари томонидан семинар ўтказилди. Унда вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, республикамизнинг деярли барча вилоятларидан хорижий тиллар мутахассислари қатнашдилар. Улар «Прогресс» марказининг ўқув-тарбиявий, молиявий ва хўжалик фаолияти қандай ташкил этилганлиги, ўқув режалари ва дастурлари билан танишдилар, очиқ дарслар ва дарсдан ташқари тадбирларда қатнашдилар.

Семинар қатнашчиларига Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Пол Берн табрик сўзи билан мурожаат қилди. Марказ фаолияти, унинг ташкил этилиши ва дарс жараёнининг ўзига хосликлари ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Т. Отамуродов, тил тайёргарлиги маркази Кенгаши раиси Л. Лагазидзе, шунингдек, марказ ходимлари маълумот бердилар. Семинар ишининг натижаси ўлароқ, шундай марказларни барча вилоятларда ташкил этишга қарор қилинди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов қатнашди.

Мухбиримиз.

Тантанадан лавҳалар. Даврон Аҳмедов олган суратлар.

МАКТАБНИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИ

Тошкент вилояти Пискент тумани марказидаги Ҳамза номли 1-ўрта мактабнинг ҳовлиси меҳмонлар, ота-оналар, муаллимлар ва ўқувчилар билан гавжум бўлди. Бу ерда илм маскани ташкил этилганлигининг 55 йиллиги нишонланди. Тантаналарга айём руҳи файз бағишлади.

Мактаб директори, Халқ таълими аълочиси Аҳмад ака Пўлатов тантананинг ҳар бир иштирокчиси ташрифидан педагогик жамоанинг бағоят миннатдорлигини алоҳида таъкидлаб, ҳаётлари мактаб ҳаёти билан пайванд топган устозлар, шогирдлар, ўқувчиларни муборак тўй — айём билан самимий ва қизғин қутлади. Сўнгра у илм масканининг шонли тарихи, бугунги ҳаёти хусусида маъруза қилди. Чиндам ҳам мактаб — қутлуғ даргоҳнинг кечмиш лаҳзалари ва лавҳалари ҳаётий ранглерга бой, мазмундор, эътиборга молик. У нафақат Пискент туманида, балки вилоят миқёсида ҳам намунали билим ўчоғи, энг тўнғичи ва нуфузлиси ҳисобланади.

Мактабга дастлабки йилларда директорлик қилган Деҳқон Ҳайдаров номи марҳум руҳига катта эҳтиром сифатида тилга олинди. Бугунги шодиёна дамларида унинг шогирдлари даврасида қўр тўкиб ўтирган устоз-мураббийлар — Гуломназир Акбаров, Мажид Самадов ва бошқаларга шогирдлар томонидан айрича иззат-икром кўрсатилди, таъбир жоиз бўлса, уларга меҳр туйғуларининг бетакрор гулдасталари армуғон этилди.

Ҳўш, бу даргоҳнинг нуфузи нималар билан ўлчанади?! Гап шундаки, турли йилларда шу мактаб таҳсилини олган собиқ ўқувчилар орасида бугунги куннинг машҳур ва номдор кишилари бор. Шу сафда 8 та фан доктори, 35 та фан номзодлари турли илмий йўналишларда самарали меҳнат қилишмоқда. Бошқа соҳаларда ўз ўрнини топиб, эл-улус ҳурматини қозониб фаолият кўрсатаётганлар сони яна қанча... Бу сафнинг кўлами кенг. Бу фақат фахрифихор туйғусини уйғотибгина қолмай, балки шогирд-фарзандлари бисёр мактабни республикага намуна қилиб кўрсатишга арзийди. У шундай маънавий ҳуқуққа даҳлдордир.

Гапнинг рости шуки, даврада табрик айтишга чоғланганларнинг адоғи йўқ эди, десак — заррача муболаға қилмаган бўламиз. Туман ҳокими, вилоят Кенгашининг депутати Абдумутал Шерматов барча пискентлик халқ таълими ходимларини бугунги шодиёна билан қизғин муборакбод этди ва мактабга туман ҳокимлигининг эсдалик совғасини топширди. Яна қутловлар, яна куй ва қўшиқлар, бир-биридан жозибали рақслар давом этди, бир-биридан сероҳанг лаҳзалар даврадагиларга янада ҳуш кайфият бағишлади.

Бу мактабда дастлаб тил-адабиёт ўқитувчиси, кейин директор бўлиб ишлаган ажойиб инсон — уруш ва меҳнат фахрийси, жангчи-ёзувчи Мажид ака Самадов йиллар силсиласида маърифат масканига меҳнати сингган марҳум устозларни ҳурмат билан эсга олди. Уларнинг муқаддас хотирасига бағишланган «Мангу дилимиздасиз» сарлавҳали шеърини ҳаяжон билан ўқиб берди.

Шунингдек, мактабнинг собиқ ўқувчилари — Президентлик девонининг масъул ходими, шарқшунос олим Аҳад Ҳасанов, Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кўмитасининг биринчи котиби Ўктам Турғунов, вилоят ҳокимлигидан вакил Абдусамад Носиров, таниқли олимлар Ёркин Соатов ва Ҳусан Қодировлар жонажон мактабига, муҳтарам устозларига таъзим бажо келтирдилар.

Даврадаги меҳмонлар ва ижодкору санъаткорлар мактаб тўйи куни худди беназир болалигига қайтгани каби минг чандон яйради, қувнади, чарх айлаб ўйинга тушди, табриклар айтди. Туман Марказий маданият уйи қошидаги «Оқ олтин» дастаси қатнашчиси Расулжон Дадабоев, мактаб бадиий ҳаваскорлари гуруҳи аъзолари — 8"а"-синф ўқувчиси Садриддин Умрзоқов ва бошқалар ижро этган кўнгил изҳори — қўшиқлар гулдурос олқишлар билан кутиб олинди.

Даврани бошқарган Мавлуда Маҳмудова билан Марҳабо Қурбоноваларнинг тўй бошидан то охиригача катта маҳорат ва ташкилотчилик кўрсатишди. Улар табрик учун навбатни Президентлик девонининг масъул ходими Маҳфуза Собирова, шоирлар Фарида Усмонова ва Абдулла Турдиевларга беришганида қутлов сўзлари шеърларга уланиб кетди.

Файзли, жўшқин ва тантанавор тўй даврасига узоқ давом этди, унинг ҳар бир қатнашчисида унутилмас таассурот қолдирди.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат» мухбири.

Спорт

БУХОРОЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Йигирма беш йилдирки, «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари республика мактаб ўқувчиларини спортга жалб этишнинг муҳим омили сифатида ўз олдига қўйилган вазифани ўтаб келмоқда. Мактаб, туман, вилоят миқёсидаги беллашувларда, қолаверса вилоятлараро қизғин курашларда кўплаб жамоалар финалга чиқишга ҳаракат қилишди.

6 апрель куни пойтахтимиздаги Армия Марказий спорт клуби залида XIII республика телевизион «Қувноқ стартлар» мусобақаси финал беллашуви қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Х. Ф. Маъсудов, самимий қутлаб, Бухоро ва Фарғона вилояти спортчиларига омад тилади.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 3-мактабнинг «Сактори» командаси Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги 12-мактабнинг «Заркент» командаси билан бўлган беллашувда чинакам маҳорат кўрсатишди. Бухоролик ўқувчиларнинг чаққонлиги, акробатика жиҳатидан етукликлари, аҳиллик ва бирликда ҳаракат қилишлари 30:14 ҳисобида ғалаба қозонишларига имкон берди.

XIII республика телевизион «Қувноқ стартлар» мусобақаси ғолиблари ва иккинчи ўрин соҳибларига Халқ таълими вазирлигининг кубоклари, биринчи ва иккинчи даражали дипломлари, шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва бошқа муассасаларнинг диплом ва кубоклари, ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ғ. МАННОПОВ,
мухбиримиз.

Истеъдодларни излайлик

КЕЛАЖАК УЧУН ОҚИЛЛАР КЕРАК

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз раҳбарияти истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бермоқда. Улуғбек номидаги истеъдодларни рағбатлантириш жамғармаси тузилганлиги, аълочи, иқтидорли талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари жорий этилганлиги шулар сирасидан.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги қошида Республика Истеъдод маркази тузилди. Суҳбатдошим Ботир Қодиров ушбу марказнинг директори. Психология фанлари доктори, профессор. Докторлик иши «Лаёқатларнинг психо-физиологик асосларини ўрганиш» деб номланган. Шу соҳа бўйича биринчи ўзбек докторидир.

— Ботир ака, ҳеч бир ҳаракат мақсадсиз амалга оширилмайди, албатта. Биринчи саволим ҳам шу хусусда бўлиши табиий...

— Марказнинг асосий мақсади, жумҳурият бўйича истеъдодли ўқувчи ёшларни ўрганиш, саралаш, таълим-тарбиясини ташкил этиш ва лаёқатларига қараб, ҳар хил ўқув муассасаларига йўналтириш. Истеъдодли болаларни тез орада катта мутахассис қилиб чиқаришдир.

— Марказ қандай пойдевор устида тузилди.

— Бу марказнинг бошланғич ғишти 1990 йилда қўйилган эди. Тошкентда шароит бўлмаганлиги туфайли Термиз психология лабораториясига расмийлаштирдик. Унга 25 минг сўм маблағ ажратилди. Беш нафар ходим билан иш бошладик. Аслида эса бу ерда 1976 йилдан буён қобилиятлилар масаласида лаборатория ишлаб келаётганди. Бу ишларнинг мазмуни икки йўналишда олиб борилиши керак эди. Биринчиси, психо-физиологик тадқиқотлар бўлиб, истеъдодли болалар ва ёшларнинг мия фаолиятини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш ва шунга қараб барвақт аниқлаш (ташхис қўйиш). Бу чет элда машҳур оригинал йўналишдир. Лабораториямиз Ўрта Осиёда ягона электрик жиҳозларга эга. Мия хатини компьютерда ёзадиган асбобускуналаримиз бор. Иккинчи йўналиш психологик тадқиқотлар бўлиб, унда боланинг руҳий, миллий, интеллектуал ва шахсий хусусиятларини ўрганиш, шу билан биргаликда махсус қўлланмалар яратилиши керак эди. Истеъдодли билан оддий бола ўртасидаги фарқни ажратиб берадиган махсус психологик тадқиқ ва диагностик қўлланмалар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, истеъдодли бола аниқланган, энди унинг истеъдодини ўрганадиган қўлланма керак эди.

— Домла, адашмасам юқорида мия хати ҳақида гапирдингиз. Мияда ҳам хат бўладими? Уни қандай ўқиш мумкин?

— Лабораториямизда тадқиқдан ўтган айрим кишилар ишхонамизни «Профессор Доуэлнинг лабораторияси»га ўхшатишади. Шунинг учун бу гаплар нотабиийроқ эшитилиши мумкин. Аввал миянинг 16 нуқтасидан олинган тўлқинлар 16 хатда ёзилади. Бу хатлардан фойдаланиб миянинг ҳар бир сониядаги фаолиятини кўрса бўлади. Ҳозир ўзбекнинг мияси билан бошқа миллат миясининг тилини аниқлаяпмиз.

— Бу тадқиқотларнинг хулосаси қандай бўлиши мумкин ва уларнинг бажарилишига қанча вақт керак бўлади?

— Хулоса, кишининг тилидан, дилидан, ёши ва жинсидан қатъи назар мия орқали унинг нимага лаёқати борлиги аниқланади ва унга зарурий йўналиш бериш мумкин. Бу тадқиқотни агар ташкилий ишлар билан чалғитмаса, 2 йилда тугатишим мумкин.

— Чет элда ҳам бундай масканлар борми? Булар синовдан ўтганми демоқчиман?

— АҚШда 1920 йилдан бери бу иш йўлга қўйилган. Бу ишга йилига 52 — 56 миллион доллар маблағ ажратилади. Унда саралаш, танлаш, тадқиқлар хизмати бор. Улар истеъдод марказининг фойдасидан аллақачонлардан буён воқифдирлар.

— Ҳозирча иқтидорли болаларни қандай услубда аниқлаяпсизлар? Уларнинг чет элникидан қандай фарқи бор?

— Фарқи бор, албатта. Биз ҳам тест усулидан фойдаланяпмиз. Тестларни умумий миллий муҳитга мослаштириш учун энг содда чет эл «заковат» тестини ўргана бошладик. Масалан, Равен тести бўйича мослаштириш ва стандарт меъёр (норма)лар олиш учун республика бўйича 19 мингдан ортиқ одам тадқиқотдан ўтказилди. Айзенк тести бўйича эса 8,5 минг маълумотга эгамиз. Маълумотлар шундай хулоса бердики, ўзбек болаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзига хос заковат меъёрлари бор. Шунинг учун ҳам чет эл тестлари билан бизнинг болаларнинг заковатини ўрганиш мумкин эмас. Руҳиятимиз, ижтимоий муҳитимизга кўра ўзига хос психологияга эга эканлигимиз маълум бўлди. Шунинг учун ҳар қандай тест, жумладан педагогик тест ҳам ўша муҳитнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган бўлиши керак. Акс ҳолда бировнинг қаричи билан ўлчаган бўламиз.

— Лабораториянгиз январь ойида кўчган экан, шу пайтгача қандай ишлар билан машғул бўлдингиз? Қандай муаммолар бор?

— Қилинган энг асосий ишимиз Тошкент шаҳрида 1200 болани тестдан ўтказиб, 300 дан ортиқ зукко болаларни Низомий номли педагогика институти қошидаги коллежда ўқишга таклиф қилдик.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 30 мартдаги 65-рақамли буйруғига асосан республика бўйича истеъдодли ўқувчилар танлови ҳам бошлаб юборилди. Бу танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич мактаб ўқитувчиларига ҳавола қилинади. Бироқ, Ботир ака таъкидлашимизни илтимос қилган жиҳатларни синаб ўтишни лозим топдик. Чунки бу танлов тестлари жуда пухта ўйланган бўлиб, юзаки ўтказилса, натижа яхши бўлмаслиги тажрибалардан маълум. Мисол учун бир вилоят мактаблари тавсия қилган 1320 нафар болани тўрт кун давомида тестдан ўтказишганда, уларнинг бирортаси ҳам талабга жавоб бермаган. Шунинг учун танловга жуда катта масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Танлов Тошкент вилоятида бўлиб ўтди. Энди 17 — 19 апрелда Бухоро, 20 — 22 апрелда Қашқадарё, 24 — 27 апрелда Сурхондарё, 28 — 29 апрелда Жиззах, 1 — 3 майда Сирдарё, 4 — 6 майда Навоий, 8 — 10 майда Андижон, 11 — 13 майда Фарғона, 15 — 17 майда Наманган, 18 — 20 майда Хоразм, 22 — 25 май кунлари эса Қорақалпоғистонда ўтказилади.

Суҳбатдош Ҳалим САИДОВ.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мамлакатимиздаги аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танловини ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилди. Бу танловни ўтказишдан асосий мақсад, педагогика ва психология фанлари бўйича илмий изланишлар даражасини янада юксалтириш, тадқиқот-ишланмалар самарадорлигини ошириш, энг яхши илмий ишлар муаллифларини рағбатлантириб бориш ва бу соҳа тадқиқотчилари изланишларини жадаллаштиришдир.

Буйруққа кўра, 1995 йил 1 мартдан бошлаб педагогика ва психология фанлари бўйича илмий ишлар олиб бораётган аспирант, докторант, изланувчиларнинг энг яхши илмий мақолаларининг йиллик танлови ўтказилади. Бу танловни ташкил этиш ва якунлаш ҳақидаги Низом, танловга юборилган илмий мақолаларни таҳлил этиш ва ғолибларни аниқлаш ҳамда уларни Вазирликка мукофотлаш учун тавсия қилиш билан шуғулланувчи махсус эксперт гуруҳининг рўйхати тасдиқланди.

Танловни юқори савияда ўтказишни таъминлаш Вазирликнинг Фан ва малака ошириш бўлимига, 1995 йил декабрь ойида танлов ғолибларини тақдирлаш учун маблағ ажратишни аниқ кўзда тутиш Молия ва режалаштириш бош бошқармасига, аспирант (докторант)ларнинг танловда фаол қатнашишларини таъминлаш Низомий номидаги ТДПИ, Нукус ДПИ, Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, ҳунар-техника таълими илмий тадқиқот институти, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтига топширилди. 1995 йил танлови ғолибларининг илмий мақолаларини махсус тўплам қилиб чиқаришни режалаштириш эса республика Таълим илмий-методика маркази зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси аспирант, докторант ва илмий изланувчиларининг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танлови тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танлов педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган ёш истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

2. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртлари ҳамда илмий тадқиқот институтларининг педагогика ва психология фанларидан илмий ишлар ёзаётган, 45 ёшгача бўлган аспирант, докторант, изланувчилари иштирок этишлари мумкин.

3. Танловга педагогика ва психология фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар қабул қилинади.

Танловнинг барча масалалари билан боғлиқ бўлган ишлар Халқ таълими вазирлигининг фан ва малака ошириш бўлими томонидан амалга оширилади.

Бу ерда педагогика ва психология фанлари бўйича экспертлар гуруҳлари тузилиб танловга юборилган ишлар таҳлил қилинади ва I, II, III ўринлар аниқланиб, Вазирликка мукофотлаш учун тавсия этилади.

II. Танлов учун юбориладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар

1. Танловга юбориладиган илмий мақолалар якка тартибда ёзилган, ҳажми 0,5 босма табоқ ёки 12 бетдан ортмаслиги ва таҳрирдан чиқарилган, 1,5 интервалда қора лента орқали машинкада ёзилган бўлиши лозим. Танловга ишнинг 1 ва 2-нусхалари юборилади.

2. Илмий мақола билан бирга, юқоридаги техник талабларга риоя қилинган ҳолда, унинг моҳияти қисқа ифодаланган 2 нусхада аннотация тақдим этилади.

3. Илмий мақола мазмунида қуйидаги жиҳатлар ёритилиши шарт:

— илмий мақоладан кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги;

— илмий мақолада тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг ёритилиши ва улардан олинган натижалар, илмий хулосалар баён этилиши;

— илмий мақолада хулоса ва натижаларнинг халқ таълими ва халқ хўжалиги учун фойдали томонлари кўрсатилиши;

— тегишли тавсиялар берилиши лозим.

III. Танлов ғолибларини тақдирлаш

Танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Эксперт гуруҳларининг тавсияларига асосан

педагогикадан:
I ўрин учун 3000 сўм;
II ўрин учун 2000 сўм;
III ўрин учун 1000 сўм;
психологиядан:
I ўрин учун 3000 сўм;
II ўрин учун 2000 сўм;
III ўрин учун 1000 сўм.

Шунингдек, вазирлик тақдирномаси, дипломлари берилади. Танловда совринли ўринни эгаллаган мақолалар тўплам қилиб нашр этилади.

Баҳор байрами — Наврўз барча қатори кичкинтойларга ҳам олам-олам қувонч бахш этди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 380-болалар боғчасида уюштирилган байрам шодиёнасида кичкинтойларнинг жарангдор шеърлари, қувноқ қўшиқлари, шўх рақслари ота-оналар ва меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди.

Суратларда: байрам шодиёнасидан лавҳалар.

К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

Эҳтиром

ЧАРОҒБОН

Расулмат Юнусметовнинг ҳаёти ва фаолияти кўпчилик педагогларникига ўхшаб кетади. Бироқ ибратли, ўрганиб, иш фаолиятда татбиқ этишга муносиб жиҳатлари, айниқса, математика-геометрия фани соҳасида у яратаётган кашфиётлар, тадқиқот ва илмий изланишлар янгиланиш даврида нафақат олий ўқув юртлари, балки мактаблар учун ҳам муҳим дастуриламал бўлиб келаётганлигини мамнуният билан қайд этиш лозим. Бунга Расулмат аканинг ҳаммуаллифликдаги «Мактабда математика ўқитиш сифатини ошириш муаммолари», «Геометриядан контрол ишлар тўплами» китоблари мисол бўла олади.

Гап таълим соҳасидаги изланишлар ҳақида борар-кан, унинг «Геометрия ва янгиланиш даври», «Бозор иқтисоди — математика фанининг ўрни», «Талабаларга иқтисодий фан асосларини ўргатишда геометрия ва математиканинг ўрни» каби илмий изланишлари ҳамда маърузаларини алоҳида қайд этиш лозим деб ўйлаймиз. Бу маруза ва рисолалар Киев университетининг илмий ишлар тўпламида, Украина «Геометрик» мажмуасида, Ташкент давлат педагогика институтининг илмий ишлар тўпламида нашр этилди.

Математика-геометрия фани соҳасида Расулмат акадек ташаббускор ва яратувчилар, айтиш мумкинки, саноқли даражада. У кишини йўқлаб Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтига борганимда ё бир тадқиқот қилиб турганлигининг ёки бўлмаса, узоқ-яқиндан келган мактаб ўқитувчилари билан мунозарада бўлаётганлигининг кўп бор гувоҳи бўлганман, — дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг педагогика таълими, фан ва малака ошириш Бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Ҳамидулла Назаров. Айтиш мумкинки, ана шундай фидойилик, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида таваллуд топган Расулмат Юнусметовга кенг маънода обрў-эътибор келтирди. Айни пайтда у ўзи ўқиган Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг геометрия кафедраси мудири бўлиб ишламоқда.

Илм бамисоли дарёга ўхшайди. Оқиб ўтаверади, лекин изсиз йўқолмайди. Дарё теварагида гуллар чирой очиб, боғлар шовуллаб турганидек, илм чароғбонлари етиштирган шогирдлар ҳам фан боғига файз ва мангулик бахш этади. Устоз педагог ўзининг қутлуғ олтмиш ёшида ана шундай ҳурмат ва эҳтиромга сазовор.

А.АКМАЛОВ,
А.ҲАҚБЕРДИЕВ.

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан **Лем Алексей Русланович** номига берилган А 435097 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 180-ўрта мактаб томонидан **Осанов Александр Вячеславович** номига берилган А 042445 рақамли ўрта малумот тўғрисидаги етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, фан ва халқ таълими ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, туман халқ таълими бўлимлари Яккасарой тумани халқ таълими бўлими мудири У. А. Мирзажоновга онаси

Муборак МИРЗАЖОНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази жамоаси марказ бош директорининг муовини А. Асроровга отаси

Асрорхўжа АСҚАРОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳалим Сайид, Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0162. 34166 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6